



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 18-fevral / № 6 (4665)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2022 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгиланиш ва юксалишларни асрлар давомида тўла номбон қилиб келаётган Наврўзи олам энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири ҳисобланади.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак қоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, инсон қадрини улуғлашдек буюк мақсадларни амалга оширишга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида барча миллий қадриятларимиз қатори Наврўз умумхалқ байрами ҳам ўзига хос маънавий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамига айланиб, эл-юртимиз томонидан қатта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг ана шундай беҳисс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига уйғун ва ҳамоханг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **“Ассалом, Наврўз – янгилаш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!”** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонлансин.

2. Қуйидагилар:
2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича “Йул харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Н. Арипов) “Йул харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Наврўз умумхалқ байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида кенг нишонланишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топиши-

ни акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни Наврўзнинг азалий қадрият ва аъналарига ҳамоханг тарзда, таъсирчан усулларда ифода этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари”га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

мамлакатимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик ва кўҳалмазорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одатлари, аънава ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўча савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тадбирларида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуд аҳолиси ўртасида уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аъналарнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):
Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М. Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, бастакорлар, балетмейстерлар, сахна расмолла-

ри, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда юқори бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутуви **Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:**

Наврўз умумхалқ сайиллари ўтказиладиган асосий майдонлар, хиёбонлар ва кўчаларни белгилаш, уларни миллий услубда байрамона безатиш ҳамда сахналарни ўрнатиш;

жойларда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати усталари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналарни жойлаштириш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, хиёбонлар ва майдонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар карантин қоидалари ва жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишларини ва байрам тадбирларини атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 17 февраль

МИННАТДОРЛИК

Аввало, шу кунларга етказгани учун Аллоҳга минг қатла шукрлар қиламан. Президентимизнинг нафақат “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”-ги қарори, балки бутун ўзбек адабиётига янги муносабат кўрсатаётгани, Адиблар хиёбонини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари, қолаверса, маданиятимиз равақи йўлидаги қўллаб-савобли ишлари учун миннатдорлик билдираман.

«УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ...»

Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлашга бутун мамлакат миқёсида эътибор қаратилиши, албатта, биз – Усмон Носирнинг қариндошлари учун унутилмас ва оламшумул воқеа. Айниқса, мен учун бу қарор жуда муҳим бўлиб, ҳаётим мазмунини бойитади. Мен умримнинг катта қисmini Усмон Носир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишладим. Узоқ йиллар Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳрида мустақил тадқиқотлар олиб бордим. Давлат архивларидаги ҳужжатларни синчиқлаб ўрганиб чиқдим. Уринишларим самарасиз кетмади, аниқ далиллар асосида Кемерово ва Мариинск шаҳарларида Усмон Носир ҳаёти ва ижодига оид қўллаб-маълумотлар жамладим ва шоирнинг Магадан ва Кемерово қамқоҳоналарида ўтган оғир ва аянчли ҳаётини ўрганиш натижалари турли экспонатлар, хотиралар шаклида музейлардан ўрин олди.

1988 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари Кемеровога бориб, Усмон Носир қабрини зиёрат қилиб, қатор тадбирлар ўтказиб келдик.

Мазкур қарорда Кемерово вилоятида ҳам Усмон Носирнинг ҳаётини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик ўрнатиш

алоҳида таъкидлангани, бу вазифа масъул идора ва вазирликларга юқлатилгани ҳам олис ўлкада ҳозиргача қийинчилик билан олиб боришга қаратилган ишларимиз олий даражада қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Шунингдек, қарорда шоир ҳаёти ва адабий меросини кенг, атрофлича синчиқлаб ўрганишга эътибор қаратилганидан бошим кўкка етди. Машъум қатагон даври қаҳрига учраган оташин шоирнинг умри қисқа ва оғир кечди. Ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирган, ўзбек шеърлигида янги давр яратувчилари сафида фаол бўлган ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти барча учун ойдай равшан бўлиши керак, деб уйлайман.

Усмон Носир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, китобларини нашр этиш, номини абадийлаштириш мақсадида кўчаларни аташ, она юрти Наманганда ёдгорлик ўрнатишга – кенг қамровли вазифалар белгиланган ушбу қарор ижроси халқимизнинг оташин фарзанди номини мангуликка муҳрлаганини дилдан эътироф этиб, қариндошлар ва адабиёт ихлосмандлари номидан Президентимизга яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Нодира РАШИДОВА,
шоира, Усмон Носирнинг жияни



ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадий публицистика кенгаши фаолиятининг 2021 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма ходимлари, кенгаш аъзолари, ёш ижодкорлар, талабалар иштирок этди.

ПУБЛИЦИСТИКА: ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

Йиғилишда кенгаш раиси Аҳмаджон Мелибоев бадий публицистиканинг бугунги ютуқ ва камчиликлари, жанр хусусиятлари, йил давомида чоп этилган тўпламлар, навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг, “Ишонч”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталари бош муҳаррирлари Хусан Ғазетов ва Салим Ашурнинг ўтган йил якунлари, публицистиканинг бугунги долзарб вазифалари ҳусусидаги маърузалари тингланган, муҳокама қилинди.

Маърузачи ҳисобот даврида таниқли ёзувчи ва шоирлар, маҳоратли публицист ва ёш ижодкорларнинг “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “XXI аср”, “Хуррият”, “Ишонч”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маҳалла”, “Адолат”, “Жамият” каби газеталарда, “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, “Тулистон”, “Саодат”, “Ёшлик”, “Муштум” каби журналларда жиддий, салмоқли публицистик мақолалари чоп этилганини таъкидлади.

– Ўтган давр мобайнида биз, кенгаш аъзолари нашрларнинг мазмуни моҳиятига алоҳида эътибор қаратдик, – деди Аҳмаджон Мелибоев. – Навоийлик Салима Холдорова, таниқли адиблар Сотим Аваз, Муҳтарам Улуғованинг публицистик тўпламлари муҳокама қилиниб, уларга тегишли

маслаҳатлар берилди. Академик Абдулла Аъзамовнинг Алишер Навоий ҳақидаги янги публицистик эссеси “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинди. Шунингдек, ҳисобот йиғилишида “Буюк ўзбек йўли”, “Адабиёт – халқнинг юраги”, “Абдулла Орипов замондошлари хотирасида” тўпламлари, Абдулла Аъзамовнинг “Аборрлар ҳайрати”, Сирождин Сайиднинг “Элдошларим, дилдошларим”, Абдурахим Эрқаевнинг “Абдулла Орипов даҳоси”, Илҳом Ғаниевнинг “Рауф Парфи Ўзтурс дунёси”, Абдусайд Қўчмиевнинг бади ва қиссалардан иборат тўплами, Олим Тошбоевнинг “Ботиндаги бўрон” асарлари, Аҳмаджон Мелибоевнинг Эркин Воҳидов публицистикасига бағишланган “Эркин Воҳидовнинг имзоси” каби қўллаб-қувватли китоблар нашр этилгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда адиб, публицист Ҳаким Сатторий, ёш тадқиқотчи Муслима Омонкулова ва бошқалар бадий публицистикани янада ривожлантириш борасидаги таклифларини ўртага ташлади.

Йиғилиш сўнггида кенгашнинг 2022 йилдаги фаолиятига оид режалар муҳокама қилинди.

Шоди ОТАМУРОД

ПУХТА ВА АНИҚ ИШ РЕЖАСИ

Президентимизнинг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда жамият маърифий ҳаётининг улкан ва шиддатли жараёни акс этган. Шўролар даврида дастлаб Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий текшириш институти (1943 йил) ва кейинчалик Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлғизмалар институти ташкил этилган эди. Аммо уларнинг тарихига чуқурроқ қаралганда, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Насаф, Тошкент, Кеш каби шаҳарлардаги бир қанча илмий марказларда юзлаб қимматли қўлғизмалар,



тарихий ҳужжатлар сақланадиган минг йиллик тарихига эга кутубхоналар ваёрон қилинганини кўрасиз. Фақат санокли кўча шаҳарларимизда хануз сақланиб турган қадимий ёдгорликлар аждодларимиз қолдирган илм-фан, маърифат, маданият қачонлардир бу юрда ҳукмрон бўлган шонли тарихдан хабар бериб туради.

Шунга қарамай, номлари зикр этилган бу илм масканлари барибир миллатнинг катта ютуғи сифатида баҳоланади. Уларда аждодларимиз томонидан яратилган маърифатнинг ҳақиқий хазинаси йиғилган.

Маълумки, 2017 йил бошида Ўзбекистон Фанлар академияси илмий текшириш институтлари фаолияти қайта тикланди. Республикада Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Абул Муин Насафий илмий-тадқиқот маркази каби маърифат масканлари ташкил этилди. Улар билан бир вақтда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва айниқса, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши миллат маърифатчиларининг қарийб асрлик орзуларининг амалдаги кўринишидир.

Ушбу қарор шу йўналиш бўйича қўл йиллардан буюн давом этган машаққатли меҳнатлар ва эришилган ижобий натижалар ҳулосаси, кейинги йиллар учун пухта ва аниқ белгиланган иш режасидир. Барча амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бажарувчилар ва уларнинг вазифалари қарор бандларида аниқ-тиниқ кўрсатилган.

Бир пайтлар илмий ё адабий давраларда: «Шарқшунослик институти ходимлари нима иш қилаяпти ўзи? Неча минглаб қимматли қўлғизмалар хануз таржима қилинмаган. У ерда нималар борлигини қачон биламиз?» каби нописандлик билан айтилган оғриқли саволларга тез-тез дуч келардик. Бу саволлар давранинг бошқа иштирокчиларига, эҳтимол, жиддий ва ўринлига ўхшаб кўрингандир. Аммо суҳбатдошимиз бу борада жуда оддий тасаввурга ҳам эга эмаслигини унинг саволлари фош қиларди. Мен ҳам: «Қайси асар ҳақида сўраясиз? Шарқшунослик институтига бирор марта, ҳеч бўлмаса, қизиқиб борганмисиз?» деб қизқардим. Улар ҳали бормаган бўлиб чиқарди. «Юрт, Ватан зиёратини шу ердан бошланг, кейин бемалол гаплашамиз», дердим.

Мазкур қарорда кенг қўламли ва залворли ижтимоий жараён қамраб олинган. Бу жараёнда қилинадиган ишлар осон кечмайди. Ҳақиқий



МУНОСАБАТ

мутахассис ҳозирданок унинг машаққатлари ва талаб қилинадиган масъулиятини тасаввур қилди. Бироқ улар уни зарарча чўчита олмайдди. Уларни бажарса бўлади.

Ушбу қарорда Бугун, Ўтмиш, Келажак битта қурга жамланган. Улар бирикса, бугунги авлодга шараф келтиради, миллат маърифатининг таянчига айланади. Бир замонлар Мирзо Улуғбекнинг орзулари мадрасаларга эврилиб Туронда қад кўтарган, юрда юксалиш зиналарини пайдо қилганди. Дунё аҳли ҳозиргача бу ҳақда гапирди. Бу қарорнинг асоси ва унда кўзланган натижалар ҳам улуғ аждодларимиз барпо қилган қадимий юксалиш пиллапояларига улашишга қаратилгандир.

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик
институти катта илмий ходими

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча эълон қилинган “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ўзбек халқининг содиқ фарзанди, ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири, қатағон даврининг азоб-уқубатларини бошидан кечирган истеъдодли шоир ва жабрдийда инсон Усмон Носир номини ардоқлаш, унинг Россия қамоқхоналари архивида моғор босиб ётган, биз учун азиз асарларини топиб ўрганиш, нашр этиш ва хотирасини абадийлаштиришга бағишланган. Бундай қарорнинг чиқиши билан мен ижод ва илм аҳлини, қолаверса бутун ўзбек халқини чин қалбимдан табриклайман.

Маданий мамлакатлардаги қамоқхоналарда, одатда, жиноят қилган кишиларгина ётади. Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам, Усмон Носир ҳам совет давлатини портлатиб юборадиган бирорта курулни ўйлаб топган эмас. Аммо совет давлати назарида, ёзувчилар совет давлатининг ҳатто ғайримиллий ва ғайрининсоний сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайдиган асарлар ёзиши лозим эди. Жумладан, Усмон Носир ҳам. Аммо совет давлати бундай ишга рози бўлмаган, китобсевар халқ ўртасида катта ҳурмат ва шуҳрат қозонган ҳар бир ёзувчини шубҳа остига олди ва уларни турли йўللار билан йўқотишга астойдил бел боғлади.

1937 йил 31 август... Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги пленуми... Пленумда қўриладиган масалалар иккита. Биринчиси — “Троцкийчи-бухаринчи ва миллатчи халқ душманлари билан кураш ҳамда совет ёзувчиларининг вазифаси. Иккинчиси эса — ташкилий масалалар.

Пленум шу куни кечкурун бошланиб, эртасига — 1 сентябрь куни эрталаб давом этди. Кун тартибидagi биринчи масала бўйича Я. маъруза қилди. У 3 соат давом этган маърузасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида троцкийчи-бухаринчи ва миллатчи душманларга қарши кураш қандай

Наим КАРИМОВ,
академик

МУНАВВАР ИЖОД ВА ФОЖИАЛИ ТАҚДИР

кечаётганини шарҳлаб, ёзувчилар томонидан қилинган хатоларни бирма-бир кўрсатиб берди.

— Импералистик давлатларга сотилган, фашизмнинг малайига айланган... хоинларнинг фош этилгани, — деб бошлади нутқини Я. ва давом этиб деди: — фақат совет халқи эмас, балки бутун дунё меҳнатқашларини ҳам ғазаблантирди. Ўзбек ёзувчилари жамоатчилигининг ғайрати билан ҳозир фош бўлдики, Элбек, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Зиё Саид, Анқабой, Отажон Ҳошим каби ашаддий душманлар турли ниқоблар остида то сўнгги кунларгача адабий ҳаракатчилигимизга ва умуман социалистик қурилишга раҳна уришга тиришиб кўрганлар... Ашаддий миллатчи Усмон Носир рус пролетариати билан ўзбек халқининг иттифоқига қарши, коммунизмга қарши шеърлар ёзиб, ёшларни ва ўқувчиларни заҳарламоқчи бўлди...

Кейин нотик Ойбекка ўтиб, уни ҳам савалаб, сўнг деди:

— ...Ойбекнинг назария соҳасида ҳам зарарли фикрлари кўп. Масалан, бир маколасида СССРдаги пролетар адабиёти эмас, балки Шарқдаги адабий мерос ўзбек совет адабиётига озик, манба бўлади, дейди. Ойбек Усмон Носирни оқлашга, мудофаа қилишга тиришди...

Ёзувчилар уюшмасининг шу пленуми ўтаётган кунларда Ойбек ва Абдулла Қодиридан бошқа номи юқорида тилга олинган ёзувчи ва адабиётшуносларнинг барчаси Тошкент турмасида азоб-уқубат чекиб ётган эди...

РАУФ БОЙЖОНОВ ХОТИРАСИДАН

1938 йилда бошимга катта ташвиш тушиб қамалдим. Олой бозорининг ёнида шаҳар турмаси бўлар эди. Март ойида мени ўша қамқонинг кичкина бир хонасига олиб кириб ташлашди. Қоронғи, ифлос, оғир ҳаволи хона эди. Кейинчалик билсам, бу кичик хонада тўрт қават қилиб сўрилар ўрнатилган ва уларда 150 нафар аристон бор эди. Бу аристонлардан чиққан аччиқ хонага кириш билан димоққа урилмай илож йўқ. Мен: “Қандай дўзахга тушиб қолдим”, деб ўйладим, албатта. Аммо орадан хийла вақт ўтгач, олисдан, қоронғиликдан: “Келин, домла!”, деган овоз келди. Мен ерда ўтирган ва ётган одамлар орасидан қийнала-қийнала ўтиб, ўша овоз сари бордим. Усмон Носир экан. Усмон Носирнинг “иш”и аяқунлапай деб қолган экан. У: “Мен бир иш қилиб қўйдим. Тergовчи менга ҳадеб: “Сен бирор нарсани буйинингга ол. Бўлмаса, шу ерда ётаверасан. Агар буйинингга олсанг, ишингни тугатаман. Сен ё бутунлай озод бўласан, ё бироз ётиб чиқасан. Бошқа иложинг йўқ!”, — деб қўймади. Шундан кейин мен терговчининг: “Маст бўлиб, трамвайда Сталинни сўқдим”, деган версиясига рози бўлдим ва имзо чекдим”, деди. Бу, модда бўйича кесилишни аниқлар эди.

Биз 8 ой давомида бир камерада, ҳатто бир сўрида ётдик. У менга ўз сўрисидан

жой берди. У ухлаганда мен ўтирар, мен ухлаганимда у ўтириб турар эди. Ҳамма-ёқ аристонлар билан тўла эди. Ҳатто зич бўлиб ётишининг ҳам илжиси йўқ, кимдир оёқлар ёнида қисилиб ўтириши керак бўларди...

Орадан 8 ой ўтгач, Усмон Носирни олиб кетишди...

Усмон Носир шу куни шод ва қувноқ ҳаёт кечириб юрган кунларини эслаб, қачон, қаерда, кимни хафа қилганини ўйлаб, тонг оттирди. Ўша йиғилишда бир эмас,

баланд ва ёқимли овози билан ўқиганида зал қандиллари тантанавор куйни чалиб юборгандек бўларди. Ўша куни ҳам шундай бўлди. У севган шеърини завқ-шавқ билан ёд ўқиди:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркиднинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи

Сени таржима қилмоқдан...

...Итоат эт!

Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, қақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам!

Усмон Носирнинг шогирдларидан бири — Шукрулло бу шеърнинг сўнгги сатрларини Усмон Носирнинг қасами деб айтган.

ШУКРУЛЛО ХОТИРАСИДАН

Бу сатрлар буюк шоир Усмон Носирнинг қўлга қалам олиб, олдида қороз қўйиб, шеърга қўл уриши олдида юрак-юрагидан инган қасами эди.

Қачон ва қаерда бўлмасин, ҳатто шу кунларда ҳам шеърят ҳақида гап очилгудек бўлса, албатта, ёдимга Фафур Фулом ва Усмон Носир шеърлари қўйилиб келаверади. Жуда бўлмаганда, бир-иккитасини ёддан ўқийман. Бу шеърлар кўнглимга яқинлиги билан суҳбатингга ҳамдард бўлиб киришиб кетади.

1936–1938 йиллари Тошкент педагогика билим юртида ўқиб юрган вақтимда Усмон Носирнинг янги чиққан “Меҳрим” деган шеърлар тўплами талабалар орасида қўлдан-қўлга ўтиб, ўқимаган ўқувчи қолмаган эди. Усмон Носир китобхонлар орасида шу қадар машҳур бўлиб кетган эди. Унинг шеърлари ўша вақтда бошқаларникига ўхшамаган, гуё қора булутлар орасидан қақмоқ қаққандек шеърятда пайдо бўлган янгилик эди.

Усмон Носир шеърларидаги янги-ча фикрлаш мудроқ қалбларни ларзага келтириб, уйғотган эди. Сехри билан ёш қалбларга нур бўлиб кирганди. Унинг шеърларида тенгдош шоирлар айтмаган ёки айтолмаган, кишини қувонтирадиган дард бор эди...

Усмон Носир тўғрисида сўз борганда, нафақат Шукрулло, балки унинг бошқа тенгдошлари ҳам бўлулгудек бўлиб кетишади. Бунинг сабаби шундаки, Усмон Носирнинг шоир бўлиб ётилган пайтида ёзган қарийб ҳар бир шеърдан катта шоирнинг нафаси уфуриб турарди. Таъат Усмон Носирни ноёб истеъдод билан сийлаган эди. У бу ҳақиқатни яхши биларди. Унинг ҳаёти миллилари 25 рақамини кўрсатган пайтда у 2 та достон, ўзбек адабиёти хазинасини бойитган 20 дан зиёд шеърлар ёзган, яна Пушкин ва Лермонтов дostonларини ўзбек тилига қойилмақом қилиб таржима этган эди. У шу шеърлари ва таржималари билан ёш авлоднинг муҳаббатини қозонган том маънодаги катта Шоир эди.

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ

Усмон Носир тақдирини белгиллаган “Айблов хулосаси” 1937 йил 30 декабрда тузилиб, шу куни Ўзбекистон НКВД бошлиғи Апресян томонидан тасдиқланган. Аммо шунга қарамай, орадан қарийб бир



йил ўтгандан кейин 1938 йил 3 октябрда Москвадан СССР прокуратураси вакили Шульц-Анн “Айблов хулосаси”ни имзоси билан тасдиқланганидан кейингина Усмон Носир “иш”и НКВД “учлиги” ихтиёрига уза-тилди.

Бу “Айблов хулосаси”да Усмон Носир қуйидаги масалалар бўйича айбдор деб топилган эди:

1. У гуё 1935 йилдан бошлаб яширин аксилинқилобий троцкийчи-миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган ва шу ташкилот топшириғи билан ўз асарларида аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги

тарғиботни олиб борган.

2. У русларни ўзбек тупроғидан ҳайдаб чиқариш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирган ҳамда Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқидан ажралиб чиқишига катта умид билан қараган.

3. У ёш ёзувчи ва артистлар онгига аксилинқилобий миллатчилик руҳини сингдиришга уринган.

4. А.С.Пушкиннинг улғур рус ёзувчиси сифатидаги аҳамиятини пасайтириш ниятида унинг асарлари таржимасини қасддан бузган.

Бу айблар бирор далилга асосланмаган, аммо ҳибсга олинган айрим ёзувчиларнинг қийноқ остида берган кўрсатмалари асосида шакллантирилган эди. Бу айбларнинг қора тўхматдан иборатлиги аққол кўришиб турган бўлса ҳам, улар маҳбўс ёзувчилардан қийноқ остида олингани учун совет давлатининг 1937–1938 йиллардаги прокурорлари, НКВД қошидаги “учлик” аъзолари шу айблар асосида минглаб айбсиз кишиларни жаҳаннамга юборишга ҳам тайёр эдилар. Вазият шундай тус олгани сабабли бегуноҳ маҳбўсларга қўйилган айбларни рад этиш фойдасиз эди.

НКВД “учлиги” Усмон Носирга 10 йиллик қамоқ жазосини беришни лозим топди ва ўзбек ёшларининг севимли шоири Усмон Носир 1939 йил 14 январда жазо муддатини ўташ учун Златоуст шахридаги қамоқхонага юборилди.

СЕРГЕЙ РОЗЕНФЕЛЬД ХОТИРАСИДАН

Қолимага борадиган сув йўли ҳали очилмаган эди. Шунинг учун бизни дастлаб Челябинск вилоятидаги Златоуст шахри турмасига олиб бориб ташлашган. Мен Усмон Носир билан бирга маҳбўсхонанинг 3-корпусидаги 8-камерада ётганман. Усмон Носир 2-койкада, мен 4-койкада ётдик. (Орадан бир неча йил ўтиб, Усмон Носир изидан Кемерово шахрига бориб, у ердаги маҳбўс шоирга онд хужжатлар билан танишганимизда Усмон Носир билан Розенфельднинг 1-корпусидаги 10-камерада ётгани, Усмон Носирга дастлаб 1-койкани беришгани, маълум вақтдан кейин эса уни 3-койкага ўтказишгани маълум бўлган.)

Тошкент маҳбўсхонасидаги қийноқ ва ҳақоратлар оқибатида Усмон Носир эс-хушини йўқотган эди. У уззукун койка устида ўтириб, бошқа маҳбўслар билан сўзлашмас, назоратчиларнинг башарасини кўриши биланок: “Йўқол, фашист!” деб қичқирар эди. Шундай пайтларда Усмоннинг назарига тушиб қолгудек бўлсак, бизни ҳам “фашистлар”, деб сўкарди.

Маҳбўсхонада ҳар ким ўз пулига конфет-понфет дегандек нарсаларни сотиб олар эди. Усмон Носир конфет сотиб олиб, улар ўралган гулдор қоғозлардан шахмат доналарини ясаб, қоронғи тулгунга қадар ўзи билан ўзи шахмат ўйнар ёки маҳбўсхонадан сўраб олган қоғозларга шеърлар ёзарди...

1939 йилнинг ёз ойлари яқинлашганда, маҳбўсларни тиббий кўрикдан ўтказиб бошладилар. Бошқа маҳбўслар қатори Усмон Носир ҳам тиббий кўрикдан ўтиб, оғир жисмоний ишларга лаёқатли, деб топилди. Май ойининг сўнгги кунларида маҳбўслар тушган поезд Владивосток сари йўл олди.

ТУРОБ ТўЛА ХОТИРАСИДАН

Усмон Носир, назаримда, ухлამас, уйқунинг ўрнига ҳам шеър ёзарди. Тонг саҳарлаб бизнинг ётоқхонамизга кириб келар, қандайдир бир қофия ёки сўз излаб келганини, туни билан маза қилиб шеър ёзганини завқ-шавқ билан ҳикоя қиларди. “Туни билан бизнинг уйда базм бўлди”, дерди қулиб. Ёддан ўқиб кетарди шу туни ёзган шеърини...

...Бир куни мен уни Ҳамза театрида “Ҳамлет”да кўрдим. Саҳна санъатининг қироли Абдор Ҳидоятоннинг Ҳамлети ис-канжасида ўтирарди. Эрталаб “Монолог” шеъри пайдо бўлди. Китобдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ уйи бўларди. Яқшаба куни эди. Эрта билан шогирдлари йиғилдик. Нонуштага ана шу шеърни ўқиб берди. Уқимади, йиғлади, ҳиссий тўлқинлар ис-канжасида худди Ҳамлет сингари инграб ўқиди шеърни. Унинг нутқиға тараф йўқ эди. У шеър ўқиганда атрофни мусиқа босиб кетарди, назаримда...

У шеърни ўқиб бўлиб, ерга тушган ва-

рағини худди нондай олиб, столга қўйди авайлаб, сўнг енгил табассум билан “Ўхшаманг жойи учун уэр”, деди.

“Кошкийди, ўхшаманг жойиға ўхшаса, бизнинг шеърларимиз”, дердик ичимизда...

Усмон Носир ва бошқа маҳбўслардан таркиб топган қўллар қарвони 1939 йил 2 июлда Владивостокка, 22 июлда эса “меҳнат-тузатув лагери” деб аталган дўзахга етиб боради.

Шу кундан бошлаб Усмон Носир билан лагерь назоратчилари ўртасида зиддият бошланиб, улар лагернинг қонун ва қондаларига итоат қилмайдиган маҳбўсга нисбатан турли-туман жазо чораларини қўллаб бошлайдилар. Усмон Носир ҳаётининг азоб ва уқубатдан иборат қора даври бошланади.

У ноҳақ қамалгани, лагерда эса инсон зоти кўрмаган зулм ва ҳўрликларни бошидан кечираётганини айтиб, Берияга, Сталинга аризалар ёза бошлайди. Ниҳоят, унинг шундай аризаларидан бири Москвага етиб боради.

СТАЛИНГА ЁЗИЛГАН АРИЗА

ВКП(б) МК секретари

Иосиф Виссарионович Сталинга

Шоир Носиров Усмондан

АРИЗА

Мен халқ душманларининг тўхматига учрадим.

1937 йил(14 июль)да ЎзССР НКВД душманларнинг тўхмати билан ҳибсга олиб, мени Сизни ҳақорат қилишда ва бадбин кайфиятдаги шеърларни ёзишда айблади. Тergовчи алдов усулларини қўллаб, менинг тажрибасизлигимдан фойдаланиб, ёлғондан иборат айномани тасдиқлатиб олишга муваффақ бўлди.

1938 йил 5 октябрда Ҳарбий Коллегиянинг кўчма “учлиги” олдида мен юқорида қайд этилган ёлғондан иборат айномани батамом рад этдим. Аммо Коллегия Ёзувчилар уюшмаси собиқ раҳбарларининг суд бошланиши олдида менга кўрсатилган тўхматдан иборат кўрсатмасига асосланиб, рад этишимга қарамай, ҳеч қандай фактик материал бўлмаса ҳам, ЎзССР ЖКнинг 67-, 64-14-моддаларига кўра, мени 10 йил қамоқ жазосига ҳўкм қилди ва 5 йилга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этди.

Бу қарор, бу ҳўкм адолатсиздир.

Мен 1912 йилда туғилганман, болалар уйида, ВЛКСМ сафарида тарбияланганман.

Мен ўзимнинг олтига шеърый тўпламиним, тўртта шеърый асарларимни нашр этганман. Пушкин, Лермонтов ижодидан қилган таржималарим, ўз асарларим сингари, бадий таржима асарлари орасида энг яхшилари ҳисобланади.

Маҳбўслиқда кечирганим уч йил ичида ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, мен битта шеърый роман, учта пьеса, қатор шеърлар тайёрладим.

Мен ижодий кўчларга тўла навқирон йигитман.

Мен ҳаётга қайтишим, Улғур Ватанимнинг тўлақонли фуқароси бўлишим керак!

Мен сиздан ёрдам сўрайман.

Имзо.

1940 й. 20 август.

Муддатни ўташ жойимнинг адреси:
Хабаровск ўлкаси, Магадан ш.
261/5-почта кутиси.
2-саноат қорхонаси”.

ТОЖИХОН ШОДИЕВА ХОТИРАСИДАН

Уруш йилларида мен бир қамоқ лагерида бўлганимда маҳбўс Саъдулла Турсунқужаев қўшни лагерьда эди. У бир куни менга Усмон Носирнинг оғир аҳволда эканини, ундан хабар олиш зарурлигини айтди. Турсунқужаев лагерьда сувчи бўлиб ишлагани учун қўшни лагерлардан келган кишилар билан учрашиб турар, бошқа лагерларда рўй бераётган воқеалардан бизни хабардор қилиб турарди. Бир куни лагердаги ўзбекистонлик маҳбўслар менга бир неча бурда нон, 3–4 дона қанд тўпплаб беришди. Буларни рўйомлимга тугиб олиб, қўшни лагерьга бордим. Мен аёл киши бўлганим учун лагерь ташқарисига чиқишимга рухсат беришарди.

Усмон Носирни кичкина бир хонага қамаб қўйишган экан. У хаёл суриб, ўз-ўзича сўзлаб ўтирар, кўзлари жовдираб турарди. Булар унда руҳий касаллик бошланганидан дарак берарди. Мен унга: “Усмонжон, ука, дадил бўлинг, сиз ҳали ёшсиз, ўзингизни йўқотманг, яхши кунлар ҳам келар. Ватанга қайтиб борармиз”, деб тасалли беришга уриндим. У мен олиб борган нонни, қандни ер, сўзларимга эса асло парво қилмас эди. Мен навқирон ажойиб талант соҳиби шу аҳволга тушиб қолганини кўриб, эзилиб кетдим ва кечкурун лагерьга қайтиб келдим...

УСМОН НОСИРНИ ОҚЛАШ ИСТАГИ

Усмон Носирнинг Сталин номига ёзган аризаси 1940 йил 28 декабрда Москвадаги тегишли идорага бориб тушди. Бундан олдин 1939 йил 22 ноябрда эса шоирнинг онаси Холамбиби Масодикованинг 1939 йил 7 ноябрда СССР бш прокурори номига ёзган аризаси СССР прокуратурасига етиб борган эди. Москва Усмон Носир ишини қайта кўриш масаласини Ўрта Осиё Ҳарбий округи прокуратурасига топширди. Шу прокуратуранинг топшириғига биноан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон, Ойбек, Яшин, Шайхзода, Уйғун ва Абдулла Қаҳҳордан иборат гуруҳи Усмон Носир шеърлари ва таржималарини ўрганиб, улар айрим нуқсонлардан холи эмас, аммо бу ҳол Усмон Носирни Пушкин ва Лермонтов асарларини қасддан бузиб таржима қилган, дейишга асос беришди, деган хулосага келдилар ва Ҳарбий округ шу мазмундаги жавоб хатини йўллади-лар. Ҳарбий округ прокуратураси бу хат билан қаноатланмай, Усмон Носирни таниган-билган кишилардан бир нечасини бирма-бир терговга чақириб, уларнинг Усмон Носирга ва унинг қамалганига бўлган муносабатларини синовчилик билан ўрганди. Яна шу ташкилотнинг ташаббуси билан Усмон Носирнинг гуё пессимистик шеърлари босилган “Меҳрим” тўплами ҳамда гуё Пушкин ва Лермонтовнинг бузиб таржима қилинган дostonларини ўрганиш учун махсус комиссия тузилди. Бу комиссияга “Қизил Ўзбекистон” газетасининг ўша вақтдаги муҳаррири С. Ражабов, рус тилшунослари А.К.Боровков ва Тошкент педагогика институти кафедраси мудири, шоир М.Шайхзода киритилди. Комиссия масалани жиждий ўрганиб, 1944 йил август ойининг сўнгги кунларида Усмон Носирга қўйилган айблар уни озодликдан маҳрум этишга асос бермайди, деган тўғри ва одилона хулосага келди. Аммо бу хулоса билан тегишли ташкилотлар танишиб чиққанлари ва маъқуллаганларидан кейингина Москвага юбориш мумкин эди. Хуллас, катта қийинчилик билан тайёрланган “Хулоса” 1944 йил 30 ноябрдаги кимларнингдир столи тортмасида саргайиб ётди. Ва, ниҳоят, Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий прокурори ёрдамчаси, юстиция майори Захаров 1944 йил 15 декабрда унга “муборак” имзосини чекди.

Узоқ Шарқдан 1941 йил 10 октябрда Кемерово вилоятининг Суслово қишлоғидаги лагерьга оғир хаста ҳолда келган ва қарийб сўнгги кунларига қадар лагерь лазаретини тарқ этмаган Усмон Носир 1944 йил 9 мартда бу бевафо дунё билан бир умрга видолашиб кетган эди.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири



ДУО

Махмуд Ялавоч-ку баҳосин олган,
Мен тарих қатига синлар соламан.
Машрабнинг бўйнига сиртмоғин солган
Жаллод тақдирини ўйлаб қоламан.

Қизиқ, ўз қилмишин англаганиман,
Бошин урганиман додлаб оғочга?
Кейин бошқа сулук танлаганиман,
Лаънат айтганиман тождорга, тожга?

Авом-чи? Жаллоддан ирганганми, ё
Хунари шу-да, деб ўтаверганми?
Ёхуд Машрабни топ, деб солиб фавфо
Ҳар гал ёқасидан тутаверганми?

Виждони ухлатмай тушганми зикр?
Сиртмоқдек энганми ойдан толалар?
Машрабнинг қотили, деб қақшаб дир-дир
Тошбўрон қилганми балхий болалар?

Жаллод бўйнига сен тумор сол, эгам,
Илқида Машрабнинг китоби бўлсин.
“Аналҳақ!” дегандек Машраб, сўнгги дам
“Аналмашраб!” унинг китоби бўлсин!

ТУШГАЙДИР

Агар кўнгил қушим учса,
сенинг ёнингга тушгайди,
Қорачўғдан сачраган чўғ жисми
жонингга тушгайди.

Ўзим-ку ҳол сўролмасман,
бориб холинг кўролмасман,
Қушим домингга тушгайди,
дона донингга тушгайди.

Кўнгил-да, қуш-да у қургур,
қанот борку, қаноат йўқ,
Маҳраминг бўлмаса, тўғри
хонадонингга тушгайди.

Сендаги бор умид ҳақки,
мендаги хор сукут ҳаққи,
Наъма қилса, жунун тугёнлари
қонингга тушгайди.

Агар кўнгил қушим кўнгил
қушинг топса, қиёматким,
Тур тоғидан таралган нур
хонумонингга тушгайди.

Агар шўрлик қушим маъюс
қайта келса кўзи ёшли,
Иқболининг уволи нақ
Марғилонингга тушгайди.

АКАМ

Қўли очик одам эди раҳматли акам,
Яна ўша сахийлигига борди-ёв.
Азроил мени излаб келган бўлса ҳам
У ўз жонин қўшқўллаб тутқазворди-ёв....

Кумуш ЎСАРОВА



Куз охирлаб, қиш изғирини кўчаларда
изғиб юрса-да, қор оралаб очилган бойчечак-
дай кўёш чарақлаб тураверади. Ҳовлининг
уч бурчагидан ҳассасини дўқиллатиб мўлжал
олаётган энам ўғлим Норматга молхонадан
учта қозик топиб келишини буюрди.

— Эна, тинчликми? — дейман яхшироқ
эшитсин, деб овозимни баландлатиб.

— Ҳа, бир этак жун ийриб қўйганман. Битта
ўрмак айлантриб олсак, қиш бўйи хотинингга
эрмак бўлади.

— Эна, Норматга тегинмай туринг. Тўрт қоп
сабзи олиб келганман. Битта ўра қазиб, кўмиб
ташайлик.

— Бунча шошасан, ана кўёш тепангда тур-
ган бўлса, кўмасан-да эрта-индин.

— Эна, мухбир улингиз айтиди, қор бор, деб.
Энамнинг жаҳли чиқди чоғи, эски пўстакни
супага тўшаб, секингина ўтирди.

— Нима, Шодмон осмонга чиқиб кепти-
ми? Ё Худо эрта-индин қор жўнатман дебди-
ми унга? — деди зардали оҳангда.

Ҳа, укам Шодмон муаллимликни ўқиб
тугатган бўлса-да, мақола ёзишга ўқуви бор.
Шаҳарда газетада ишлайди. Компьютерда
уни ёзибди, буни ёзибди, деб оғохлантриб
туради. Баъзида тушунмасам ҳам янги чиққан
“закун”ларни битта-битта айтиб беради. Ои-

лада битта одам институтда ўқиса ҳам фойда
экан, дейман ўзимча. Боланг касал бўлса ҳам
шунга чопасан, бозор бўлсам шунга... Бир
йили қишлоқдаги йигирма сотих ерни сотиб,
етмаганига иккита ҳўкизнинг пулини ҳўшиб
шаҳардан уй обергандим. Келин ҳам бирга
ишлайди. Газетанинг хатосини текширади. Ик-
кита боласини кўёшдан асраб оппоқина қилиб
катта қилляти, барака тоғурлар.

— Эна, манави токни туширганимга бир
ҳафта бўлди. Қор тушмасдан кўмиб ташайлик,
— дедим ўрмакка қозик қоқайтган Норматга
ишора қилиб.

— Яна қор дейсан-а, улинг ўрмакни айлан-
триб берсин, кейин нима қисанг, қилавер, —
деди жун илларнинг чигалини ёзаётган энам.

Ўғлим бир менга, бир энамга қаради-ю, ин-
дамай қозикларни қаттиқроқ қоқа бошлади. Ях-
шим шу ул бор. Молгайм шу, сувгайм шу. Мак-
табам шундоқ пешонамизда. Қорни очса юғуриб
келиб кетади. Ўтган кун бозорга олиб бордим.
Аввал қабоб овердим. Совуқ бўлсам налитка-
нинг қимматидан ичди. Майли-да, битта улим
бўлса, шунга едирмай кимга едираман. Бозорни
айланиб юрсак, жума кун бирга сотган қўй-
мизнинг пулини кўриб, этик олиб беринг, деди.
Қор ёғса, қимматлашиб кетармиш. Ёш бўлсам
наҳ-навони тушунади. Маҳаллада ёғ беряпти,
ун беряпти, деса ҳам чопиб бориб аввал пулини
сўраб келади. Кейин мой идишни кўтариб, эна-
сининг нафақасини олади-ю, дўконга боради.

Этик нархи ўн қоп кўмирдан қиммат, денг.

— Нормат, мактаб бир қадам бўлса. Унинг
пулига тўртта жун қалиш овераман. Қор ки-
ришгайм улгурмайди, — дедим ҳазиллашиб.

У сотувчи олдида изза бўлди, шекилли,
индамай юриб кетди. Ўғил бола-да, гурури йўл
қўймади. Шу кунни ёнимда битта қўйнинг пули
шундай турганди. Кейин илтимос қилсам ҳам
олмади. Зўрларини кўрсатдим. Янги фасонла-
рини ҳам олмади.

Энасининг айтганидан чиқмай, қалайди
келадиган жун ўрамларни югуриб айлантира-

ётган ўғлимни узоқ қузатдим. Эртага бозорга
опчиқиб, этик олиришни ўйладим. Энамга бас
келолмаслигини билсамам, қилаётган иш-
дан жаҳлим чиқди.

— Эна, уйда гилам кўп бўлса, нима қиласиз
яна шунини тўкиб, — дедим қариган чоғида урчуқ
қўлидан тушмаётганини кўриб.

— Эй, бу гиламларинг тўртта қишни кўр-
майди. Бир йил тушмасанг, сичқонлар ҳар
тарафидан тишлаб кўради. Ўзимизнинг жун

олачадан қўямасин. Бу олачалар мендақа кам-
пирларнинг иккитасини қаратади. Қишда ях-
ши-да, — деди қилаётган ишидан фахрланиб.

— Эна, бугахона бўлади буларнингиз, — дей-
ман бир ерга тўқилган сабзига, бир “сочи”ни ёйиб

ётган тоқларга қараб. Ошхонада
пиез патир қилаётган хотиним,
энам билан тортишайтганимни сез-
ди, шекилли, битта “қўзи” тушиб

қолган деразадан бошини чиқариб сўхатимизга
қўшилди.

— Нормат энамга ёрдамлашса, сиз то-
вуқларнинг қаттагини молхонанинг айвонига
қўчириб беринг. Айтганингиздай қор тушиб
қолса, шунча товуқ ҳовлида қолиб кетади,
— деди иложсизликдан сўрини ушлаб турга-
нимни кўриб.

— Ҳа, шунгайм озгина лой қилиш керакми?
Пасти серосмон қилиб бир шувалмаса, илон
ҳайдаб чарчайсан, — дедим ўғлим Норматга
ишора қилиб. Қўзойнакка бошидан айлантириб
резина боғлаб олган энам ўртага тушди.

— Нима, ҳамманг Шодмоннинг гапига
ишонасанми? Менгайм телпонада: “Эна, хур-
маларни териб олсин, совуқ келяпти” деди.
Келса келар дедим. Совуқ қаерга етганини
айтса ҳам ишонмасдим. Мана, хурмалар осиб
ётибди. Теринглар демасин-ку, — деди
хотиржам оҳангда.

КАСАЛХОНАДА

Умидвор ошналар бир-бир қоқар сим,
Тузукмисиз, дейди, сўзи жилпанглар.
Куламан, бечора меҳрибонларим,
Тузала бошладим — умид қилманглар.

ШОИР

Ёшлиқда бармоғин букиб, бирма-бир
Туроққа соларди саркаш сўзларни.
Бугун бармоқ ёпиб-очади шоир,
Тахминан чамалаб содиқ дўстларни.

У

Мен йўл топиб юраман,
У тўғри юролмайти.
Уни ёмон кўраман,
У мени кўролмайти.

БОЛА

Олам тўла сир, бола,
Англайсан бир-бир, бола.
Мазмунли гапирма, қўй,
Мазмунли жим тур, бола.

МАСЛАҲАТИМ

Худойимга солиб кетавер,
Манзилингга тезроқ етасан.
Кўрмаганга олиб кетавер,
Кўрмагандай бўлиб кетасан.

КЎНИКМА

Ичкиликка ўрганиб қолдим.
Дўстим, майдан қандай кечаман?
Мен сен учун ичардим олдин,
Энди-чи? Сен сабаб ичаман.

ЯНГИ ЙИЛ

Бир ундок, бир бундок ўтди йилларим,
Бири бахтсиз, бири бахтга зор бўлди.
Ўтган йилларимни ўйлаб дил ярим,
Ҳар нечук кўз яна интизор бўлди.

Ҳар гал янги йилдан тўхфа кутардик,
Қадам товушига қулоқ тутардик,
Тилак айтиб қанча қадаҳ кўтардик,
Давра тарқаб орзу ҳам бекор бўлди.

Йил устига йиллар йиқилаверди,
Ойлар юракка зил юк бўлаверди,
Вазмин тортдик, умр тез елаверди,
Биз қарор топсак, у беқарор бўлди.

Иссиқ истаралар қай ёна кетди?
Совуқ нафасларга замона етди.
Аёзбобо музли паймона тутди,
Нафасидан сочим қиров-қор бўлди.

Йил адоғи менга азоб негадир,
Сарпо янги, юрак хароб негадир,
Хушёр тортиради шароб негадир,
Шамга қараб ёшим шашқатор бўлди.

ҚЎШҲАЁЛ

Отам билан мен бир супада,
Юлдуз живир-живир тепада.
Мени бир ўй ўйлантиради:

“Отам қачон ўйлантиради?”

Отам ўйлар: “Ҳовли чолдевор,
Тўй қилишга ҳали пича бор”.
Юлдуз чакнар менинг ўйимда:
“Доллар сочсам, ўйнаб тўйимда”.

Оғир ҳаёл босар отамни:
“Учратсайдим Хизр — хотамни,
Ҳиммат қилса сўйиб юзта қўй,
Бирор ҳафта берар эдим тўй”.

Тап-тап ерга тушар жоноқи,
Қалқиб кетар олманинг шохи.
Хаёлимда: “Асал қиз Гули,
Қолда эмиш отасин пули”.

Отам ўйлар: “Топволсам олтин,
Қаср солсам тўйдан ҳам олдин.
Қарасалар дўппини ушлаб,
Ҳаним қолса бошига муштлаб!”

Мен ўйлайман: “Зўр нарса Нигор,
Отасининг мол бозори бор...”
Отам ўйлар: “Бўлиб бой ота,
Миниб юрсам тўйда Тойота.

Худо бизга изн берсайди,
Ҳоким бува қизин берсайди”.
Кўшни боғда “ҳммм” дейди новвос,
Хўрсинамиз бизлар жўр овоз.
Қандай яхши — сахар паллада
Битта ҳаёл икки қаллада.

ИТ

Зоти итнинг ўйида сарқит бўлар, ош бўлар,
Ўртага суяк тушса, кўппаклиги фош бўлар.

Билмас кимнинг қизи у, билмас кимнинг улдидир,
Эгасининг, занжирнинг ва нафсининг қулдидир.

Ўйнаши ўйнаб кетса, ўқсиб маъюс бўлмайди,
Дунёда бирор жонзот итдек даюс бўлмайди.

Буларнинг қайнонаси, поччалари номаълум,
Қайнонаси гумонда, божалари номаълум.

Увиллаши мумкин у шеърлар тўқийёлмайди,
Мияси бор, кўзи бор, китоб ўқийёлмайди.

Вафодор деб дўстининг бошини силамайди,
Вафот этса, итвачча отамлаб йиғламайди.

Кимки луқма ташласа унга ҳўжайин ўша,
Қайда тинчроқ яшаса, ўша муқаддас гўша.

Бобосини эсласам, урф-одатни билмайди,
Коинотга учса ҳам кучук одам бўлмайди.

Бетараф ва бешараф итдек ўлиб кетади,
(Шу жойига келганда ўпканг тўлиб кетади).

Аслзода акалар, қаранг, итга кафан йўқ,
Чунки миллат йўқ итда, чунки итда ватан йўқ.

БИР ПАЙТЛАР...

Тизза бўйи ёғар эди қор,
Уч-тўрт марта томни қулардик.
Гуллар чизиб музларди анҳор,
Тераб-пишиб чана сурардик.

Жиддий эди табиат — ота,
Тўғри, феъли бироз тор эди.
Улов камёб, кўплар пиеда,
Кўпчиликда виждон бор эди.

Кечикмасдан келарди баҳор,
Ўз вақтида гуллаб бодомлар.
Шафқатларга берарди оҳор
Истараси иссиқ одамлар.

О, бор эди руҳимда жило,
Қулоғимда ҳамон кулгиси.
Эслаб қўйсам рангларан дунё,
Исмин айтсам, келар гул иси.

Бошин тўлғаб, кўк — мовий шамол,
Ўш пиримга бориб қайтарди.
Ғунча қучган қалалак беҳол
Мангуликка қўшиқ айтарди.

Илиққина ёз ёмғирлари
Ўзиб-ўзиб қуйилар эди.
Инсоннинг бор эди сирлари,
Ҳаёт сирли туюлар эди.

Кеча... Кўнгил соғ эди кеча.
Кеча ойдин эди ўй-дардим.
Кеча осмон сувини ича
Энди ўлмайман, деб ўйлардим.

Совидими Тангри бизлардан,
Ахир, саногиди бор эдик!
Нечук мадор кетди тиззадан?
Қаримасдан туриб ҳоридик...

Асли мендан кетди оқибат,
Оқибат мен кетдим ўзимдан.
Мана, бугун соҳиб санъат
Гулпардани олди кўзимдан.

Бугун юрак бошин босган қор,
Бугун ҳаёлларим фаромуш.
Бугун табиатим беқарор,
Бугун қалбим, руҳим аро қиш.

Бугун ҳасса билан қўзғаб чўғ,
Ўз қўйимга қўл соляпман мен.
Давр-павр билан ишим йўқ,
Ёшлигимни кўмсаёпман мен.

ЧИРОҚ

Қарасам, чироқнинг тури кўп экан,
Йўлингни ёритар нури кўп экан.

“Бефарқлик” чироғин ёқволсанг агар,
Асабингга етмас асло зарбалар.

Замон боқмаса сен замонга боққин,
“Ҳақиқатчи” деган чироқни ёққин.

Мабодо кўзласанг сал тепароқни,
Қўшгил “ташкilotчи” деган чироқни.

Манов зот оқава билан оқади,
Ҳар тонг “шоир” деган чироқ ёқади.

Айби йўқ-ку ахир тирикчиликнинг,
Чироғин ёқиб тур “йигитчилик”нинг.

Пора оладирсан гар жарақлатиб,
“Ҳалоллик” чироғин қўй чарақлатиб.

Отангнинг чироғин ёқолмасанг ҳам,
“Оқибат” чироғин ёқиб тур, укам.

Мен ҳам ҳаёт дарсин ўқиб олганман,
“Жинилик” чироғин ёқиб олганман.

КЎЗ ҚЎЁШИ

ҲИКОЯ

Ҳовлидаги уч туп хурмо дарахтига қара-
дим. Ҳосили ерга теккудай осилиб ётибди.
Ҳали уни териб, яшиқларга жойлашимиз ке-
рак. Янги йилгача туради, шира кириб.

— Эна!..

— Бўл тезроқ, ипи чигаллашиб қолади яна,
— деди энам ўғлимга, мени эшитгиси ҳам кел-
май. Демак, бугун ўғлимдан фойда йўқ. Нима
қилишни билмай, омбордан бир қулоч эски
елим қорозларни олиб чиқдим узумни жойи-

да ўраб қўймоқчи бўлдим. Яна қўлимга бир
ўрам ип ҳам олиб олганман.

— Дада, бундан совуқ ўтиб кетади. Келаси
йил ҳосил бермай қўяди. Ҳозир ўзим қовлаб
қўмиб ташлайман, — деди ўғлим.

Яна шу Норматга ишондим. Қа-
расам, ўғлим ҳали-бери бўшмайди.
Молхонанинг айвонидан белкуракни
олиб, сабзи учун ўра қазиб бошла-
дим. Ҳа, десамам белкурак ерга қирмайди.
Бор кучимни ўнг оёғимга бераману қаттиқроқ
қўчириб беринг. Айтганингиздай қор тушиб
ярами тушиб, усти очиб ётибди. Ёмғир ёғса
уваланиб кетади. Тандинининг устини
ёпиб берсанг, — деди.

— Намоз бова, кўпмас, жа борса тўққиз
пақир лой кетади. Ҳозир Нормат бўшасин,
устига лой шуваб, янги тандини ичкарига қу-
риб бераман, — дедим тандирхонани кўздан

— Шокир, келганинг яхши бўлди. Янги
тандир сотиб олгандим. Мендайм ёлғиз ул-
да, ойда бир келади. Манави тандирнинг
ярами тушиб, усти очиб ётибди. Ёмғир ёғса
уваланиб кетади. Тандинининг устини
ёпиб берсанг, — деди.

— Намоз бова, кўпмас, жа борса тўққиз
пақир лой кетади. Ҳозир Нормат бўшасин,
устига лой шуваб, янги тандини ичкарига қу-
риб бераман, — дедим тандирхонани кўздан

кечириб. Сўнг ўзимизнинг белкуракни олиб
уйга қайтдим. Дарвозахонага етганда яна қу-
шиб қўяман.

— Келинингиз тўрт этак тезак олиб келиб
қўйсин. Янги тандирга бир кеча ўт ёқиб чиқиш
керак. Ҳозир тушдан кейин келамиз.

Ҳовлига кирганимни биламан, ўрмак-
нинг узилиб кетган ипларини битта-битта
боғлаб, асабийлашиб турган энамга кў-
зим тушди. Бекорлигини кўриб, Норматни
ёнимга чакирдим: “Кел, энам бойлағунча
ўра қазиб тур”. Қулоғи шундай пайтлар би-
ноидек эшитадиган энамнинг жаҳли чиқиб
кетди.

— Нима, улинг тўпмиди, сен менга отасан,
мен сенга отаман. Битта жипди ўн йил бойла-
майман-ку, мана бўлди, жуғур улим, жуғур, —
деди энам Норматга қараб. Бу орада тандирда
пишайтган пиез патирнинг ҳиди диомогимни
қитиклади. Лой супага тушлик тайёрлаётган
хотиним ишимнинг белига телди. Оилавий
дастурухонага ўтирдик.

— Нормат, ишингни тугатгач, Намоз
бувангникига чиқамиз. Битта тандир қуриб
берайлик, — дедим оёқатини шошмасдан еяётган
ўғлимга юзланиб.

— Нега Намознинг тандирини ўғлинг қу-
риб беради? Ана хотинингдан сўра, кеча қу-
дугидан сув бермапти, — деди энам сўзимни
бўлиб.

— Эна, келини ҳар кун дўкондан нон сотиб
оляпти. Анчадан бери тандир нон емаймиз, —
деди Намоз бова.

— Тушдан кейин отангнинг эски уйига
сандап қураимиз. Олачани ҳам шу уйга кирги-
заман. Совоқтан одам сандалда исиниб, яна
олача тўқийверади.

— Эна, ҳовлида шунча иш бор. Ҳеч бўл-
маса, сабзини қўймайлик. Тушдан кейин иш ун-
майди ўзи. Дарров кеч тушиб қолади.

— Товуқларгайм катак қуриш керак, дада-
си. Тухуми кўп, рўзгорга етиб турибди, — дея
хотиним ўртага суқийди.

— Иккита чипор ҳўрозни янги йилга қол-
дир қолганларини ошга бос, ўлсин, — дедим
энамга аччиқ қилиб.

Ўша кунни ўра қазмасимдан кеч тушди.
Энамнинг сандалиям, ўрмағим битди. Катта
уйга ўрмак қурдирди. Олачасини Нормат-
нинг келинига бераман, дейди. Намоз бова-
га эрталабдан ишга киришишимизни айтиб
чиқдим. Айтганча, ўғилгача этик олиришни
ваъда қилганим эсимга тушиб, кечқурун ко-
вушидан ип билан ўлчам ола бошладим.

— Н

ДИЛ СЎЗИ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, сеvimли шоира Қўтлибека Раҳимбоевага радиодан келган журналист туғилган юрти, болалиги ҳақида савол берганда мен ҳам бу сўхбатга беихтиёр қулоқ тутдим:

“Болалигим қувончларга тўла ўтган, деб айта олмайман, — дея сўз бошлади она. — Беш ёшли бола пайтимида оиламиз бошига қулфат тушган. Отам раҳматли ҳўжалик раҳбари эди. Омбордаги уруғлик донни оч қилиб, арзиҳол қилиб келган одамларга кузда қайтариш шарти билан тарқатган экан. Тафтиш қилишганда бу иши хато ҳисобланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Акам, мен ва синглим норасида ёшда онамнинг қўлида қолганмиз. Онам мактабда бошланғич синф ўқитувчиси эди. Томорқамиз ўнчалик катта бўлмаса ҳам рўзгорбоп экинлар экиб, тирикчилик қилардик. Ҳатто ўзимиздан ортириб бозорга олиб борганимизни ҳам эслайман.

Тўнғич қиз бўлганим учун оиладаги қайғу мени эрта улғайтирди. Тенгларим қўғирчоқ ўйнаб, болалик гаштини суриб юрган пайтда онамга соядек эргашиб юрардим. Бешик бошида йиғлаб ўтирган онамни қандай юпатишни билмасам ҳам, кўз ёшини қайишга ақлим етарди. Ёш бошига рўзгор ташвиши тушган онам бошини тик тутиб юриши учун акам иккимиз қўшқанот бўлганмиз. Ўша қора кунлар ёдимга тушганда онам жуда гурурли, иродали аёл экан-да, деб уйлайман.

1961 йилнинг март ойида яхши хулқи



МЕНИНГ ҚЎТЛИБЕКА ОПАМ

ва хизмати учун дадам муддатидан олдин уйга қайтди. Ўшанда биринчи синфда ўқирдим. Аммо қувончнинг кўпга бормади. Дадам у ердан юрак касалини ортириб келган экан, тўрт ойгина яшади, холос. Бу болалигимнинг энг қайғули кўни эди. Энг ёрқин хотираси эса, онам мактаб қутубхонасидан олиб келган китоблар бўлган...”

Қўтлибека Раҳимбоева Фаргона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ўқишга ҳужжат топширганда 17 ёшда эди. 1973 йили институтни тамомлаб, Фарғонада ишлаб бошлади. Ҳар гал онасининг розилиги билан машҳур шоира Зулфия ҳузурига келганини ҳажжон билан эслайди:

“1976 йили август ойи эди. Тошкентга, “Саодат” журнаliga келганимда Зулфия опа йўқ экан, олисдан келганимни билишгач,

шеърларини қолдириб кетишни тавсия қилишди. Мен ҳам эртага келаман, деб ёзмаларимни қолдирдим. Лекин юрагимга бир ҳадик тушди. Ёзганларим ёкармикин! Шу ҳадик билан эртасига тахририятга бордим, ўзимга бўлган ишончидан ҳеч қандай чўғ қолмай, қўриқбгина хоналарига кирдим. Остонада титираниб турганимни кўриб жимлайиб: “Бу шеърларни ёзган қиз сенмисан?” деб, мени бағрига босиб, пешонамдан ўпди. Бу меҳр ва илиқ муносабатдан юрагим нурафшон бўлиб кетди. Стулга юзма-юз ўтириб мен билан анча сўхбатлашдик.

— Қандай китобларни севиб ўқийсан?

— Марина Цветаева, Нозим Ҳикмат...

— Тошкентга келишга уйингдагилар розими?

Эл эъзозидagi буюк шоира мендек оддий қаламқаш билан сўхбат қилиб ўтирганига ишонгим келмасди. Ҳаяжонда томоғим қақраб, ютуншига қийналардим. Беихтиёр стол устига қўйилган пахта гулли тақсимчадаги қора узумга қўл узатдим. Бир маҳал қарасам, чой дамлаб келишгунча узумнинг ярмисини еб қўйибман. Кейин ўша ҳолатимни уйлаб уялиб юрганман. Шундан кейин шеърларим илк бор муҳташам бир журналнинг саҳифаларидан жой олди. Мен ўзим болаликдан Тошкентда ўқиниш орзу қилардим, ижодим “Саодат”дек журналда нашр қилинганидан сўнг шоира бўлишга ишончим ортди. Тошкентда ўқийдиган тоғам (тоғам деганим курсдош дугонанинг отаси эди) ёрдами билан пойтахтга келиб ишга жойлашдим. Ота юртим, Тошкент, водий ораси мен учун “бир қадам” бўлиб қолди. Ҳар бир йўлагим, гийёҳи, тошу тупроғим ҳаммаси бирдек қадрдон эди...”

Ҳа, Қўтлибека Раҳимбоева, ўзи айтганидек, Туркменистоннинг Тошовуз вилоятида туғилган бўлса-да, Фарғона водийасида улғайди. Дўсту қадрдонлари уни бағрига олиб уйдан жой берган, ҳайит байрамларда ўз болалари қаторида унга ҳам ҳолва тутган дарёдил инсонларнинг меҳридан кўнгли ўсди, қалами чарқланди. Зулфия опадек меҳрибон инсон бағрига босиб: “Шеърларинг яхши экан”, деган лаҳзаларда юрагига яна бир шоир уйғонди...

Бир сўз билан айтганда, шоирлик қисматидаан рози бўлиб яшайди. Устоз айтганидек, Яратганим оддий одамга бир ҳисса муҳаббат берса, шоир одамга икки ҳисса муҳаббат ато этади. Оддий одамга бир миқдор дард берса, шоир олам дарди, одам дарди билан яшайди. Қўтлибека Раҳимбоева ҳам ана шу покиза ишқи билан юртни севди, туғилган тупроғини, ота уйини соғинганда бир дард тортса, миллат дардига елкадош бўлиб минг дард тортиб қалам тебратди. Хотира сандиғимда бунга жонли мисоллар жуда кўп.

Қўтлибека опам иккимиз Сирдарёга хизмат сафарига бордик. Одамлар орасида, деҳқонлар даласида юриб долзарб мавзуда материаллар тайёрладик. Бир соҳаватли оила эгалари маҳалла бўлагири шахмат-шашка ўрганиши учун алоҳида уй қурибди. Ёғиш қуйиб, синч кутариб қурилган мўъжазгина хонада ҳамма шароит мавжуд. Маҳалланинг боласига шахмат силрларини ўргатаётган одамнинг умидлари бир олам эди. Яна бир олис вилоят сафарига беш нафар фарзанди бор тадбиркор аёл маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандлари институтга кирса, шартнома пулини тўлар экан. Ўша маҳаллада яшайдиган 103 ёшли момо меҳмонхонага тўшалган кигизни ўз қўли билан босгани, унинг дилтортар сўхбати ҳаммамизни сеҳрлаб қўйди. Манзилдан қайтаётган пайтимиз орқа ўриндиқда кўз ёш қилиб ўтирган опага қўзим тушиб: “Нима бўлди, опа, кимдир хафа қилдимми?” деб сўрадим.

— Йўқ, шундай юртда, шундай хокисор, меҳрибон одамлар орасида яшаб юриб хафа бўлармидим. Севиниб йиғладим, гурурланиб йиғляяман. Пахса девори ўрнига пишган гишт билан уй кўтариш ўрнига маҳалла боласи шахмат ўйнайдиган макон тиклаганини қаранг, ҳовлида турган эски машинасини янгисига алаштириб, мол-дўн иғиш ўрнига камбағалнинг боласини ўқитаётган тадбиркор аёлни яхши кўрмай бўладими? Воҳ, заҳматқаш элимдан-а!.. Бир аср яшаган табаррук момо тўтиб бўлиб уй турида ўтириш ўрнига, қўй жунини йиғириб ўтирганини қаранг. Шундай одамларни ёзмай бўладими, суямай бўладими?..

Ҳа, азизлар мен адашиб ёзмадим. Сўз аввалида у ҳеч қачон йиғламаган дегандим-а? Ўзи учун ҳозир ҳам кўз ёш тўкмайди...

Мен ва мен каби кўллаб шоғирларни Қўтлибека опамга бир таъриф айтамыз. Юраги узидан ҳам катта опа!..

Кўнларнинг бирида бош муҳаррир таниқли санъаткорлар оиласи билан сўхбатлашиб, сулола ҳақида материал тайёрла-

шимни айтди. Сўхбатни-ку, маромига етказиб ёзиб келдим. Уни сайқаллаб қорозга туширишим қийин кечди. Ўша кўнларда кенжа қизим шамоллаб, иссиғи чиқиб ётиб қолгани учун уй-хаёлим уйда эди. Қўйналиб юрганимни кўрган устоз чала-чулла ёзилган мақолага жон бердилар. Журнал саҳифасида илк бор чоп этилган мақоламни ҳали-ҳамон ҳаяжон билан эслайман. Кейинги гал яна бошқа мавзунини тайёрлаб кўриб беринг, деб оланинг столи устига қўйдим. Ўқиб кўриб: “Синглим, бу ёзганингизни тахрир қилиш, сайқаллаш мен учун қийин иш эмас, аммо сизга дўст бўлиб душман ишини қилган бўламан. Менинг тортмамда журналнинг ҳамма сонлари бор. Уйга олиб кетиб дам олиш кўнлари ўқинг. Шундагина ўзингиз ёзган билан саҳифадаги мақолаларни фарқлай оласиз. Журналнинг муаллифидан талаби катта. Ўзингиз қайта-қайта ишланг. Ўқинг, ўқийверинг. Сиз ўн олти ёшлик ўсмир эмас, ҳаётда заҳмат чекиб суяги қотган аёلسиз. Ижод йўлида тинимсиз изланмаган одам шоир ҳам, носир ҳам бўла олмайдими...”

Тўғри сабоқчилигини билиб турсам ҳам бироз ранжандек бўлдим. Қайсарлигим тутиб мақолани бош муҳаррирга олиб кирдим. Хаёлимда яхши ёзилгандек эди. Ёзганим кимгадир ёқмаса, бош муҳаррирга маъқул келар, деган умид бор эди. Ойдин опам: “Мунавварахон, бу мақолада жон йўқ, бундай сўзлар билан саҳифа тўлдирилмайди. Боринг, ёзишда бошқачароқ йўл танланг” — деди. Уч-тўрт овора бўлиб мақоламни ўтказгунча анча журнал варақладим, ўзим ҳам, фикрларим ҳам ўзгара бошлади. Мен бу оламга ана шундай кириб келдим.

Бўлган мен адабиёт майдонида қанчалик ўрин топган бўлсам, қандай йўтқача эришган бўлсам бу устозларимнинг хизмати! “Саодат”нинг саодатли кўнларида ҳам, машаққатли дамларида ҳам унга елкадош бўлиб яшайдилар.

Қўтлибека опам журналга ишга келган кўнларини шундай эслайди:

— Биринчи китобим чиққан пайтда Фафур Фулом наشريётда ишлаб юрардим. 1983 йилгача у ерда фаолият юритдим. Катта ижодкорлар сабогини олиб, катта асарлар қораламасини ўқиб фикрим теранлашди. Зулфия опамнинг таклифи билан “Саодат”га келганимга эса кўп йиллар бўлди. Устозлар изини босиб, сўзини эслаб юрибман...

Айтишга осон, бир тахририятда салкам қирқ йил ишлаш... Бир йигит умри дегани. Ҳаракатларига, хотирасига тафаккурига қараб устознинг табаррук 70 ёшга кирганига ишонгим келмайди. Негадир йиллардан уни қизғонаман...

Устоз Абдулла Ориповнинг Қўтлибека опамга айтган сўзлари ёдимга тушди. Ёзувчилар уюшмасининг бир тадбирига келган Қўтлибека опани кузатаётганимда устоз: “Мунаввара, шу опангизнинг қўлидан маҳкам тутинг. Парвардигор фаришталарга қанот берган бўлса, Қўтлибекага қалам бериб сийлаган”, деган эди. Ўзи айтганидек:

Тирикликнинг ҳар сувратин, ҳар бир нафасин, Жон ичига солиб қўйиб ҳамма-ҳаммасин, Севиб-севиб, ишқ ичиде яшнагим келар, Ўз ёш, балки ундан кўпроқ яшагим келар. Ўнда Илоҳи, юз ёшга кирсинлар!

Адабиётга садоқат билан хизмат қилиб, заҳматқаш ижодкор сифатида журмат-эйтибдор қозонган Қўтлибека Раҳимбоева бугун 70 ёшга кирди. Ёш истеъдодларни рўёбга чиқаришда, уларга ижод силрларини ўргатишда устозлик меҳрини аямай келаётган, мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни, юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий ангилқикларни қаламга олиб, илм ва руҳият дунёсининг янги қирраларини намоён этишда самарали меҳнат қилаётган дилқаш устоз, дилбар ижодкорнинг борлиги барчамизни қувонтирди.

Эл севган ҳассос шоирамиз доимо ҳаётдаги елкадоши — умр йўлдоши таниқли шоир Миразиз Ёъзам, фарзандлари Орзу, Нажот ва “Саодат” журнаli жамоасининг ҳам эъзозидадир.

Мунаввара УСМОНОВА,

“Саодат” журнаli бош муҳаррири,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёни ҳайратга солган саркарда, дилбар шоир, заковатли олма ва таржимондир. Улуғ аждодиимиз таваллудининг 539 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Маҳаллалар, мактаблар, олий таълим даргоҳлари ва ҳарбий қисмларда кўтлуг сана муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

14 февраль кўни Адиблар ҳибёнида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти — ватанпарварлик намунаси” мавзусида маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, таниқли шоир ва адиблар иштирок этган мазкур тадбир руҳи юртимиз бўйлаб кенг қулоқ ёзган адабий-маърифий тадбирларда акс-садо берди.

14 февраль кўни улуғ бобомиз таваллудининг 539 йиллиги муносабати билан Давлат солиқ қўмитаси ҳузурдаги Кадастр агентлигида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда сўз борди.

“Геоинновация маркази” давлат унитар корхонаси директори Абдушўқур Абдуллаев бошчилигида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, “Саодат” журнаli бош муҳаррири, шоира Мунаввара Усмонова, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири, шоир Сирожиiddин Рауф ҳамда агентлик ходимлари иштирок этди.

Бобур ҳаёти ва ижоди мавзусидаги сўхбатлар ва газалхонлик иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди

Поэзияда реал ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш муҳим бадий таъмийл саналади. Бироқ бунга амал қилиш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этмавермайди. Ҳақиқатни ўз асарида қарор топтириш учун муаллифдан яна азму шижоат, жасорат ва юксак эътиқод талаб этилади. Таниқли шоир Чори Аваз шеъриятида ҳаёт ҳақиқати юксак поэтик маҳорат билан акс эттирилган.

ОНА СОҒИНЧИ

Шоир поэзиясида какофонияга — айрим товушларнинг мос тушмаслиги оқибатида юзага келувчи оҳангга мойиллик сезилса-да, бунинг шеър бадиятига таъсири йўқ. Ижодкор онгидега туғилиб ўсган “она замин” ва “аёл” тушунчаси синкретик тарзда гавдаланадики, бу ҳис самимий туйғуларни авж олдирдики.

Шоирнинг “Уйғонишдан ўзга толе излама”, “Аёл”, “Онамга”, “Онам ва тонг”, “Она”, “Мактуб”, “Соғинч даъвати”, “Қайтиш” каби шеърларида аёл образининг тақомили ўз ифодасини топган. Ушбу шеърларда она образининг мисралар қатига ривожланиши ва ҳаракати кузатилади. Онага мурожаат қилган сайин бу масъума хилқат образи йириклашиб бораверади ва шоир уни ўз биографияси билан синкретик тарзда ифодалаб, шеърдан шеърга она-боланинг бир-бирига бўлган соф меҳрини маромига етказди. Айниқса, “Уйғонишдан ўзга толе излама” туркумидаги шеърларида: агар одам бўлсанг, уйқудаги қалбинг билан умрингни йўққа чиқарма; уйғоқ қалбинг бўлса, тирикликнинг, уйғоқ сарбоннинг ва уйғоқ баҳорнинг не кераги бор? Дархатлар тик самога интилиб ўсади, инсоннинг ҳам бош эгмасдан овоз, эркин яшашга ҳақи бор, деган гош илгари сурилади. Шоир руҳининг тўб-тубидан, юрагининг қаъридан шундай сўзлар отилиб чиқади:

Саболар уйғонган, шамол уйғонган, Табиат — исёнкор аёл уйғонган.

“Онамга” шеърда эса лирик қаҳрамон ўқиси ва ижод йўлига отланаётми онасига муурожаат этади. У иккилидан, антикиб, қимтигани онасидан оқ йўл суради. У отланган йўл хавотирли: “Қўлларим бардошли, тилларим ҳам беҳуда сўзларни сўзламасдан ёвлар билан тиллаша олур, кўзларим сизники: қамашмас, юмилмас, йиғламас улар, айрилиқ ҳидин туйган кўри-насиб, титраясиз”, деб огоҳ этади.

Шоирнинг она ҳақидаги шеърларида чўқур маъно бор. “Онам ва тонг” шеърда маъхум ва жонсиз нарсалар жонли тасвирлангани тусфайли ҳис-туйғу ва кечинмалар ёрқин ифодаланган. Шеърда лирик қаҳрамоннинг биографияси билан қоришиқ тарзда шундай воқеа кўз олдимизда гавдаланадики, бу шеър поэтикасини яна бир поғона юқорига кўтарди. Шоир сўзларни жонлантириб ҳажжонимизни кучайтиришда давом этади. Лирик қаҳрамоннинг онаси нега ёлғиз? Нега онани тонг уйғотади, тонгни онаизор? Шоир бир мунгли куй чаладики, онг сўнгсиз нола чекади. Гоҳида она, гоҳи тонг эрта уйғониб бири иккинчисини уйғотади, она эрта уйғонса яхши, тонг эрта уйғониб қолса-чи, онанинг хижолати ортади. Лирик қаҳрамон онанинг эрта туришини шундай тасвирлайди:

Онам турса, алқаб ҳар туннинг Этагини кўзга суртади. Сўнг меҳрибон нигоҳи билан Дугонаси тонгини туртади.

Ушбу шеърда бошдан охири ташхис санъати қўлланилган, ўрни билан тазод санъатидан ҳам шеър моҳиятини очишда унумли фойдаланилган. Тонг ва тун ўртасидаги севги англамас риштани ёлғиз аёлгина кўради: бирининг этагини кўзга суртиб хайрлашса, бирини туртиб уйғотади. Она шундай ибобилики, у яқин дугоналари тун ва тонгдан ҳам ҳаё сақлайди. Тонг уйғониб айнан деразадан мўралайди. Тонг дераза орқали ўтиб, ичкарига ёруғлик улашади, шунда олам чароғон тортади. Аёл яна кундалик юмушларига берилиб кетади.

Маълумки, фикр-туйғуга мос оҳанг сўзининг маъносига асосида юзага келади ва сўзларни қайфиятга мос оҳангларга ўрайди. Бу ўқувчида лирик қайфиятнинг ҳосил бўлиши, воқеликнинг унга қай даражада таъсир этишига боғлиқ. “Она” шеърда бу ҳолат аққол кўзга ташланади. Шоир унда контраст усулидан фойдаланиб, инсон характерини, нараса ва ҳодисаларнинг сифат ва хусусиятларини бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш йўлидан боради.

Ҳовли, супа, тўрт дароҳт — бир боғ. Онам секин урчўқ йиғирар. Деразага қараб кўяр гоҳ, Гоҳ ўзига ўзи гапирар.

Бу шеър юқоридаги “Онам ва тонг” шеърининг мантқий давомидай туюлади: ҳовли, супа, дароҳт, урчўқ, дераза, дарвоза, бағр — она... Бунда нараса буюмлар билан инсон руҳий олами уйғунликда тасвирланади. Она гоҳ деразага қараб кўяди, гоҳ ўзига ўзи гапирди. У кимгадир муштоқ, Кутмоқда. Аёлнинг ис-так-хоҳиши ақлига бўйсунмай уни дарвозага етаклайди. У умидсизланиб қайтаётганда барглар ҳам маънос тортми қолади. Лирик қаҳрамон билан аёл шуурдаги гам бир хил. Она ундан кўра ортироққ изтиробда. У жимгина япроқларнинг сокин шивирига қулоқ тутди. Аммо шу вақт мобайнида дарвозага ўзи билиб-билмай келиб кетади. Унинг дарди-хаёли — кимда, ўғлидами? Аёл ҳовлидан нарига ўтолмайди. Тўрт дароҳтдан кўнгли — ўлмайди. Ёлғизлигини фақат барглар билади. Фақат баргларгина унга ҳамдард. Мабодо ўғли келиб қолса, ёлғизлигини билмасин, билиб қолса, худди барглар сингари гамга ботиши тайин. Бир қарашда аёл ўқиси ё ишга кетган ўғлини кутаётгандек. Аммо у бу дунёни эрта тарк этган, ҳаётдаги энг яқин ўртоғини кутарди. Шеър композициясида ҳар бир деталнинг ўз ўрни бор. Улар табиат билан уйғунликда аёл қайфиятини кўрсатиб берган.



“Соғинч даъвати” шеърда эса, таътилда ота уйига шошаётган талаба йигитнинг поезда билетни навбатга туриб олиши ва навбатни бузган лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари акс этаган. Лирик қаҳрамон онани соғинган. Аммо уйга етиш у ёқда турсин, темир йўл кассасига етишга ҳам ҳали анча бор. Шоилишга замирида яқин кишиларига бўлган соғинч даъвати ётибди.

У “Қайтиш” шеърдаги бир байт билан шеър моҳиятини очибгина қолмай, онасига бўлган чексиз меҳрини, соғинчнинг бор буй-баста билан кўрсатиб беради: “Она, сочингизга юзимни кўмиб, Соғинчнинг бўйидан тўйиб хидлайман”. Бунда онанинг луғаворлиги ва соғинч туйғуси ташхис санъатининг ажойиб намунаси воситасида кўрсатиб берилган. Уйдан ўқишга деб Тошкентга келган оддий талаба ёшларнинг ингроқ соғинчи ҳисларимизни чарқлайди, таъбир жоиз бўлса, ўткирлаштиради. “Она, уйга борсам, сўзингизни ерда қолдирмай, сувни ўзим келтираман, ўтинни ҳам ёраман, куз қанчалик серташвиш келса ҳам майли, подани боқушга ўзим бораман. Томларнинг ҳам қорини ўзим қурайман. Мухими, сиз билан ўтган умримга ҳечам ачинмайман”, деб дил розини изҳор этади. Талаба йигит ўзини фош қилиш йўлидан боради. У Тошкентга ўқишга бормасдан олдин юқоридаги ишларни пайсалга солган кўринади. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деганларидек, йигит уйга қайтар экан, аввалги “айб”ларини тақорламасликка иқдор бўлади ва шундай дейди:

— Салом! Онагилани!

Мана, мен келдим.

Ўзимни келтирдим сизга бутунлай.

Нега лирик қаҳрамон уйга соғва-саломлар билан қайтмайди, айнан, “Ўзимни келтирдим сизга бутунлай” дейди. **Кундалик турмушимизда** учрайдиган бу ҳолат реал ҳаётда оддий ҳодиса кўринса-да, шеърятга олиб кирилгандан сўнг рангин тус олади, кўнгилда ажойиб ҳис пайдо қилади.

Бундай образларнинг вазифаси ижодкор гоҳсини маълум томондан тўлдириб ёки шеърларидаги бош қаҳрамонларга хос хусусиятларнинг бирор жиҳатини аниқлашга хизмат қилади. Аниқроқ айтганда, характерларнинг шаклланиш босқичига боғлиқ ҳолда қўлланилади. Чори Аваз шеърятда бу устувор жиҳатдир.

Завқиддин СУВОНОВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти

вазифасини бажарувчи

муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг китобхонликка қизиқишларини рағбатлантириш мақсадида учрашув ташкил қилинди.

Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Хоразм вилояти Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, ижодкорлар иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев сафар таассуротларига бағишланган шеърини ўқиб берди. Ёшлар энг сеvimли китоблари ва адабий қаҳрамонлари ҳақида сўхбатлашиб, шеърый машқларидан ўқийди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги 286-мактабда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кўнлари муносабати билан мавзуга оид очиқ дарслар, викториналар, кўрик-танловлар ҳамда адабий-маърифий тадбирлар ҳафталиги ўтказилди. “Бир даврнинг икки даҳоси” деб номланган тадбирларда ҳар бир синф иштирокидан ташқари, фан устозлари ўртасида Навоий ва Бобур ижоди бўйича ўтказилган кўрик-танлов ҳам самимий руҳда ўтди. Мактабга ташриф бўюрган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, туман прокуратураси ходимлари, маҳалла нурунийлари ва ота-оналар бундай қизиқарли тадбирларни мунтазам уюштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Улугбек шаҳарчаси ҳокими Абдуқаҳҳор Қурбонов келгуси ойда шаҳарча Маданият саройида буюк мунажжим Мирзо Улугбек таваллуд кўнига бағишланган маърифий тадбирни мактаб жамоаси билан ҳамкорликда уюштириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Ўз муҳбиримиз

Ўз муҳбиримиз

ШЛАПАСОВ

(Давоми, бошланиши газетанинг ўтган сониди)

Юксак маҳорат эгаси Лутфийнинг зариф, латиф таъб билан ижод этган ғазалларининг ҳислатларидан бири шундаки, у бошқа шоирлардай ўзини ерга уриб машуқани кўкка кўтаришдан қўра, ўзининг ҳолатини тасвирлаб, ўзининг мафтунлиги, ёрнинг бепарволиги, ўзининг нийзи — ҳождатманд-муҳтожлиги, машуқанинг истиғноси — эҳтиёжсизлигини ифодалайди. Лутфий маҳорат билан муҳтожлик ҳам камбағаллик, нотавонлик эканини, истиғно, ноз бойлик эканини кўрсатадики, машуқанинг яхши фазилатли эканини айтмоқчилигини сезиб олмасиз. Машуқига қарата айтилган бу таъриф-тавсифи сизда тезгина инсоннинг сийрат ва сувратидеги бойлик, юксаклик, гўзаллик ҳақида тасаввур уйғотиб, завқ беради. Сўзсиз, бунинг учун одамда маънавий тайёрлик керак. “Комилли комил танийди”, дейдилар. Афсуски, санъат асаридан ҳар ким баҳра топа олмайдди. Зеро, унда шоирнинг табиати, кайфияти ҳам кўриниб туради.

Агар сен бўлмасан гулдек чаманда,
Киши кетгай ўша байтул ҳазанда.
Фалак юлдуз каби хўбларни ймса,
Юзинг бўлгай қуёш ул анжуманда.
Лабинг қандини сўрай десам айтур:
“Аё, кўрдингми, солмиш кўзни қанда?”
Тишинг инжусини то кўрди Лутфий
Топилмас ёшидек бир дур Аданда.

Гул — иси, туси, латифлиги билан гул. Юзи ёруғликда қуёшни, лаби ширинликда қандни, тишининг инжусини курган Лутфийнинг кўз ёшидек дур

Адан (шаҳар)да йўқ. Бунда ошикнинг йиғиси, машуқанинг кулгиси бор. Қўлгида кўринган инжу билан йиғида тўкилган ёш — дур тенг кўйилиб ташбех қилинади. Лутфийнинг кўп шеъри халқ қўлиқларига яқин.

Келдим эшигингга чиқиб кўргуз
юзингни лутф этиб,
Кел, кел, бу Лутфий ҳождатга
учмоқ эмас дийдордур.

Лутфийнинг татмил киноялари борки, улар мутаассиб, тақводор зоҳидлар, таъмагир риёкорларга қарата айтиладиган:

Меҳроб қош сари зинҳор боқма, зоҳид,
Ҳайрон бўлиб намозинг барча қазо қилурсан.
Эгма қош меҳробга ҳам ўхшатилади. Меҳробга қараб

қўнда неча бор сажда қиладиган зоҳидга, унинг эгма қошига зинҳор қарама, намозингни қазо қиласан, дейди. Бундай шеърлар Лутфийнинг дунёқарашини кўрсатиб туради. Лутфий халқона, бадий содда ёзганга ўхшайди-ю, юксак маҳорат, кенг билим билан ёзиб ўқувчини ўйлантиб, завқдан тилини лол қилиб қўяди.

Ҳайратга тушиб писта оғиз очди-ю қолди,
Мажлисда чу оғзинг саридин кетди ҳижоят.
Очилмайдиган оғиз ҳақида сўз кетганида писта оғиз очилиб қолади. Зид қўйилган фикр ифодаси сизни завқлантиради.

Музайяна АЛАВИЯ

БАЪЗИ БИР ШЕЪРИЙ КУЗАТИШЛАР

Ёки:
Ширинлигидан қорғози бир-бирига ёпишиди,
Эрнинг сифатин қайдаки ёздим варақ ичра.
Ички муболагани қарангки, лаби сифатини ёзганида ширинлигидан саҳифалар бир-бирига ёпишиб қолади. Таҳсин ва таажжубга сазовор Лутфийнинг маҳорати, билими, тили, мушоҳадаси, шеър қонун-қондаларидан нари юрмаслигидан шоирлар ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Кўргали лаъли ақиқинг кўнглим ул ён тортадур.
Бу ёмон андишалиқни гўё қон тортадур.
Ақиқ — қизил, лаъл (бу ўринда лаб) қизил кўнгил ул ён томонга тортади: халқда ёмон ўйловчини “қон тортади” деган тушунча бор. Шоир ўхшатишни ўрнида келтиради.
Йўқтурур ёлғиз бу Лутфий жонига жаври рафиқ,
Қайда ҳар донга турур ул жабри нодон тортадур.
Алхимикларнинг тулқондан олтин олиш назарияси кўп шоирларнинг шеърда келади. Ҳаммаси ҳам оригинал ҳисобланади.

Лутфий:
Губори остонанг не ажаб кимё эрмиш,
Ки руҳсоримга анинг ҳажри олтин рангини бермиш.
Остонанг тупроғи ажаб кимё экан, ундан айрилиш (ҳажри) руҳсоримга олтин рангини берибди. Ёки Саккокий:
Юзни олтин этти, сенинг ишқинг эй санам,
Мундоғ вафони олтин этар кимё қани.

Саккокий вафони олтинга айлантирадиган кимё қани, деб олтинга тенг келадиган вафонинг қадрланмаганини айтмоқчи. Улуғ шоирлар орзулаган қаҳрамон ўқувчининг

ҳам тасанноси ва ҳурматлаган кишии бўлиб қолади.

Бадий нутқ бойлигига, шеърий, фалсафий фикр ривожига шоир ҳисса қўшиб боради. Кўп асрлик шеър маданиятини эгаллаб, бадий тажриба асосида мутлақо янги асар яратилади. Меҳнат маҳсули бўлган асар одамга таъсирчан руҳ, завқ бағишлайди.

Ҳаммомга азм айлагач ул шўх ситамгар,
Ҳаммомам ийи юзи акси била бўлди мунаввар.
Гулдек танидан чунки арақ бўлди равона
Ҳаммом гулбоқ иси била бўлди муаттар.
Сув ғайратидинки менга тегди дамо-дам,
Жоним бари сув бўлди-ю ҳолим дағи абор.

Эй қош, мен худ улубон олида ходим,
То васл кунин бўлгай эди бизга муяссар.
Кавсар суви, жаннат гули олтин тароғ олгач,
Хурлар келур эрдилар анга бўлғали чоклар.
Бу Лутфий охи ўти, кўз ёшидан дур
Ҳаммомнинг ўти, суви тушмас анга бовар.
Жафо қилувчи шўх ҳаммомга кирганда ҳаммом ёришиб кетди. Танидан тер чиқиб, ҳаммомни муаттар қилди. Шоир ҳаммомга керакли нарсалар: ёруғлик, сув, ўт, тароқ, ходим каби сўзларни ишлатиб, ҳаммомнинг ўти шоирнинг охи ўти, суви кўз ёшидан, деган хулоса чиқаради.

Бадий восита, ташбех, муболага, таъзод, сифатлашда қуйидаги таъбирлар ғазалга характерли. Ёрнинг оташин руҳсори жонга, жаҳонга, осмонга ўт туширади; зулф рўзгорни қаро қилади, нутқи лол этади, жилавасидан ақл беҳол бўлади. Васл, ҳажр — бирида оёсийиш, бирида азоб. Нутқи кут беради, ёдлаш озиқ беради. Шу қабиларни шеърда кўп учратамиз.

Чўл-биёбон, саҳрода қўнқонинг айланиб юриши; дарёнинг тўлғониб оқиши турлича тасвирланади. Байтда биёбон келиб қўнқон кўринмаса шеър чала. Бог-бўстон, гулзор, чаман деганда ҳар вақт ҳаловатбахш манзара кўз олдимизга келиб, завқланишимизга кўмак беради. Тасвирда эса, чаманда сарвиҳиромон, гулистонда гун-чаҳандон, гулшанда булбулчолон, шакарстонда тўти, сарватонда кўмири ва бошқалар.

Васл — субҳ, кундуз, бўстон, жаннат, ҳажр — тун, қоронғу, зулмат, шом қабилар. Бир байтда юзу зулф

келса, ўту дур; сарв, гул, сунбул келса, албатта, қомат, юз, соч-зулф келиши керак. Шамъ билан парвона пари келса, телбалик, ақл-ҳушни йўқотиш; сўз лаб — даволоччи, тириштирувчи.

Буларнинг бари ҳам инсон ҳилқатидаги хусусиятлар ва унга тегишли рамзий нарсалардир. Одам севиш, севилиш ва сева билиш учун яратилгандир. Инсон бой, гўзал ва олижаноб, буни билмаслик, тан олмаслик муҳаббатни инкор қилиш демек...

Албатта, от қолганининг бари чавандоз бўлмагандай, ҳар қайси дарё ҳам садафнинг қони эмас. Масалан, она, баҳор ҳақида кимлар ёзмаган. Тил билан айтиб, қалам билан битиб



Керақдир манга юз киши берса панд.

Онанинг ўғли тобутига қараб белини боғлаб, хасса тутиб, икки букилиб бориши, тобутдан айланишига ҳамма доду фиғон кўтаради.

Шоир ҳар қандай ҳол юз берганда қайғу мусибатларга бардош билан ўзини тутиш оналарда бўлади, деган фикр-ни айтди. Барча оналарнинг шундай чидамли бўлишини хоҳлайди, уларни сабрли қўришни истаydi, орзу қилади.

Эй қуёш, найлаб Навоий қуймасинки, бор анга,
Ишқинг ҳам ўт, ҳусинг ҳам ўт,

лутфнинг ҳам ўт, қаҳринг ўт.

Улуғ Алишер Навоий таърифиға қўра, ишқ нур сочувчи бир юлдузки, башарият кўзин нур сафоси андин, ишқ нурли гавҳарки, инсоният тожининг зебу баҳоси андин...

Ишқ муҳаббатни шундай тушуниш, шундай қараш билан лирик шеъриятнинг ҳаётбахш кучи инсоннинг маънавий юксалишига, эстетик тарбия олишига хизмат қилади. Ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларни мустаҳкамлайди.

Шуниинг учун шоирнинг маънавий талаби кучли бўлиши, айниқса, ўз асарига катта талаб қўйиши, инсоннинг юксалишига таъсир

этноқ учун одамга хос қалб кучини — муҳаббатни зўр билим, меҳнат билан тасвирлаш — ифодалани керак бўлади.

Энг муҳими, шоир, адиб ўз ҳаётини, ўз ижодини халқ ҳаёти билан боғлаган ҳолда инсонни ва унинг дунёвий туйғу, тушунчаларини юксак санъат билан тараннум этиши лозим.

1987

Нашрга Лобар ҚҶҚОРОВА тайёрлади.

СИЙМОЛАР

Буюк созанда Турғун Алиматовнинг ижодий портретини йиллар давомида тасаввур этиб юрардим. Сержило куйлар унинг руҳиятини, турли вазиятдаги ҳолатини, ўтмишини, ушалган ва ушалмаган орзуларини ифода этиб турар, мусиқа билан ўзига таъриф-тавсиф бергандек бўларди.



айниқса, фронт билан боғлиқ хабарларни, концертларни эшитишарди. Ўша кун “Муножот”ни илк бор радиода қуйлаб кўчага чиқсам тумонат одам йиғилипти. Хайрихоҳлик аломатларини ҳам кўрдим. Бир мўйсафид ёнига қақирди:

— Қизим, ҳозиргина радиокарнайда сенинг овозинг янградикими? — деб сўради. Жаъомидан сўнг қўл очиб дуо қилди. Самиият, меҳр билан айтилган ўша сўзлар, дуо ҳали ҳам қўлоғимда жаранглаб турибди.

танбурни киритишни назарда тутиб асар ёздим. Москвада ижро этиладиган, тасмага ёзиб олинадиган бўлди. Турғун ака узоқ сафарга танбурни кўтариб боришга рози бўлди. Бу шингил воқеанинг “авжи” ҳам, ниҳояси ҳам концерт залида юз берди. Созандаларнинг қазо-қазолари барвақт келиб машқ қилаётганда, ғилофланган танбурни кўтариб олган Турғун ака шошма-жирга келдилар залга. Партитурани эгаллаётган оркестр созандалари мазкур симфонияда танбур тароналарига урғу берилганини, табиийки, билардилар. Улар Турғун аканинг нотасиз келганини кўриб таажжубландилар. Бунинг устига чолғунин ўриндиққа қўйиб, мен билан бафуржа гаплашиб ўтирдилар. Оркестрдагилар имо-ишора билан мени қақирди. Бордин. “Шуми танбурни чаладиган киши? Партитура анча мураккаб-ку. Қийин бўлмайди ми ватандошингизга?” деб сўрадилар.

— Заррача шубҳа қилмайман маэстро Турғун аканинг имкониятларига, — дедим жаъобан. — Нотага қарамай танбурни чертишларини ўзингиз ҳозир кўрасиз, эшитасиз.

Дирижёр чиқишига яқин Турғун ака ғилофдан танбурни олиб, оҳиста қадам ташлаб, зинапоядан саҳнага чиқдилар, скрипкачилар қаторига яқин ўриндиққа жойлашдилар. Дўппиларини ечангларига юрагим шув этди: чиройли дўппини нота қўйиладиган мосламага осиб ёки тахлаб қўйсалам-а?!.. Бекор хавотир олган эканман — дўппини қафлашга секин, юмшоққина уриб бошга кийдилар. Хавфсираш билан ташлаган ниғоҳим ўзини эркин ҳис этиб ўтирган Турғун акага биотоклар орқали етиб бордин, шекилли, менга қараб, қўлни баланд кўтариб, жилмайиб қўйдилар. Харақатлари, табассумлари билан “Қўрқманг, уялтирмайман сизни”, дегандек бўлдилар. Ниҳоят, дирижёр таъққасини кўтариб, қўл харақати билан танбур тори оркестр жўрлигида янғирашига ишора қилганида, созанда таниш оҳангларга безак бериб, танбурни шундай янградики, ижрочилар бир зум сукут сақлаш имконига эга бўлганларида ўзбек ўғлонига ҳайрат билан боқдилар. (Мирсодиқ Тожиёв билан Турғун Алиматов барҳаёт кунлари суҳбатлашган эдик.)

Очиги, бир афсус, надомат қиладиган вақтларим ҳам бўлади. Шунда болалик чоғларимиздан эшитиб, хиргойи қилиб келган оҳангларни табииоти нозик, қўллари сеҳрли, ўзи камтарин санъаткорни оламга танилган хонанданинг файзли хонадонидида кўриб қувонганимни, бир зум сўзлашиб тахсин ўқиганимни эслайман. Мусикамизни улуғвор симфоник тароналар билан бойитган композитор Мирсодиқ Тожиёв Турғун Алиматов билан боғлиқ шингил воқеани мароқ билан айтиб берганини ёд этиб, бугун биз қаламга олган толеми шахс кўпларнинг хотирасида барҳаёт-ку, деб таскин толам.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор

ЭЪТИРОФ

Ижодкорлар ҳаётида кўп учрайдиган ҳолат — янги китобингиз чиққач, албатта, кўнгил яқинларга “Ўқирсиз...” деб улашасиз. Шундай кезларда, “Икки оғиз сўз ёзиб, дастхати билан бермасиз-да!” деб ўпқаланадиганлар ҳам бўлади.

ЁНДОШ МАҚСАД

Баъзан китобингизни қўлида тутиб, “Имзонгизни чекиб беринг, кутубхонамнинг тўрига қўяман!” дейишса мамнун бўласиз! Китоб ёзиш машаққатлари, уни нашр қилишдаги чар-чокларингиздан бир зумда қутуласиз, гўё. Энди китобингизга дастхат сўраб турган одам ҳам беғона эмас, ижод аҳлидан бўлса-чи?!

Устоз журналист, таниқли драматург, ёзувчи Тўлқин Мухиддин ана шу иккинчи тоифага кирувчи китобхонлардан. У киши қачон, қаерда, қай ҳолатда, қандай юмуш билан юрган бўлмасин, ёндош мақсад каби китоб излайди, китоб йиғади... Агар ўзига ёққан китобнинг муаллифи билан учрашиб қолса, ундан икки оғиз дил сўзларини ёздириб олса — шу кунини Тўлқин ака учун байрам!

— Мақнага ўз китобларини совға қилганларнинг адади ҳозирча икки юз эллик нафардан ортди. — дейди Тўлқин ака, — совға қилинган китобларнинг сони эса 350 тадан ошди. Бу қарийб 60 йиллик қил. Турли ёш ва касбадаги устозларим, дўсту биродарларим, опа-сингил, ака-укаларимнинг менга билдирган яхши ниятлари ва шириндан-ширин сўзлари учун уларига яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман. Ўтганларини Аллоҳ раҳмат қилсин.

Тинимсиз изланиш, жаҳон ва ўзбек адабиётларининг мутоз, замонавий вакиллари асарларининг мутолааси, муттасил адабий жараёнларни кузатиб бориш Тўлқин Мухиддиннинг ҳаёт тарзига айланган. Аслида шундай яшаш ижод аҳли учун фарз эмасми? Шуларни уйлар эканман, ижодкорлар орасида айтилиб юрадиган бир латифафанамо гап эсга тушади. Уч-тўртта китоби чиққан ёзувчи бир кун тахририятга асар олиб келибди. Адабий ҳодим ўқиб кўриб, ҳайрон бўлибди. Кейин дабдурустанда ҳафсаласини пир қилмай, деган андишада савол берибди:

— Сиз кимларнинг асарларини севиб ўқисиз?

Шунда, “Укажон, мен ўқувчи эмас, ёзувчиман!” деган жавобни олган экан. Турли нашрларда ишлаб ўзим ҳам бундай ҳолларга кўп гувоҳ бўлганман. Ушлар Тўлқин акадан дарс олса арзийди!



Салмоқли ижтимоий-сиёсий, ижодий фаолияти давомида Тўлқин Мухиддин турли лавозимларда ишлади, бир неча марказий газеталарда Бош муҳаррирлик қилди. Кўплаб қисса, ҳикоя, пьеса ва илмий монографиялар ёзиб, йигирмадан зиёд китоб нашр эттирди. Таржималари ҳам мақтовга лойиқ...

Салкам 60 йил китоб йиғиш, 250 дан ортқ ижод аҳли билан учрашиш, икки оғиз дил сўзини ёздириб олиш — ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт! Ассосийси, ҳар бир дастхатининг ўзи бир тарих. Улар ҳақида сўз очсангиз, Тўлқин ака Сизни утган асримизнинг 50-йилларидан бугунги кунимизгача етаклайди. Санъаткору ижодкорлар сўзлари ҳақида ҳеч қаерда ёзилмаган ажойибу ғаройиб воқеалардан воқиф бўласиз.

Тиниб-тинчимас ижодкор кутубхонасидаги барча китобларда муаллифлар қолдирган дастхат — дил изҳорларини “Учмас битиклар” номи билан китоб шаклида чоп эттирди. Мухим, ҳар бир ижодкор ҳақида мухтасар таржима ҳол, изоҳ ёзишдан эринмади. Мазкур китобнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, адабиётимиз тарихида бундай ижод маҳсули ҳали яратилмаган эди: Тўлқин Мухиддин бу борада байроқдор!

Ўқувчиларимизни ажойиб китоб мутолаасига чорлар эканман, бу нашр кўпчиликка, айниқса, ижоднинг сирли оламига ҳавасманд ёшларга жудаям қизиқарли бўлади, деб уйладим. Янгиликка ўқ муаллифга эса тилагим: тўлқинлашиб, тўлқинланиб толманг, Тўлқин оға!

Сирождидин РАУФ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

НАВОЗАНДА СОҒИНЧИ

Кунлар ўтиб киностудиянинг павильонида Турғун акани учратиб қолдим. “Ўткан кунлар” романи “Армонли кунлар” номи билан иккинчи марта фильм қилинаётган эди. Камнага муҳаррирлик вазифаси тошпирилганди. Ардонимдаги шахсни серҳаркат, сершоқвин муҳитда бироз кузатдим. Истараси иссиқ, ўн уйлаб бир гапирадиган бу инсон қўлидаги ғилофланган чолғунин еру кўкка ишонмай авайлаб олиб қорар, режиссёрларнинг гапини бўлмади эшитар, ўзининг қатъий, асосли сўзини айтарди. Уни студияга, “Ўткан кунлар” гуруҳига таклиф этган Мэлс Афзалов ҳамда Хотам Фаёзов сўзларига дарҳол эътироз билдирмай, мушоҳада қиларди. Романда батафсил тасвирланган бузхона, ширақайф Отабек иккинчи кўза билан ошно бўлган чоғида олтигача куй бу гал сатода янграшсини Турғун ака таклиф этди. Турғун аканинг таклифи қабул қилинганида замон ва макон бирлиги романдегидек сақланиб қолди. Қўшиқ ўрнида мусиқанинг берилиши тарихини устознинг ўғли М.Алиматов шундай эслади:

— Отам Абдулла Қодирий қатнашган гурунларда иштирок этганларини айтиб берар эдилар. “Самарқанд дарвоза” даҳасидаги катта чойхона ҳамаша гавжум бўлар экан. Ўша ерда падари бузрукворим ҳам тинглаар, ҳам аскияда ҳозиржавоб бўлар, тақлифларга биянон сатони созлаб, берилиб қуйлатар, дафъатан ҳукм сура бошлаган сукунатда, илҳомбахш муҳитда ижод этар эканлар. Кўп илиқ сўзлар айтилган, ўша кезлари Жулқунбой адабий тахаллуси билан танилган адибнинг эътирофини фаҳр билан тилга олар эдилар... “Фильмда ҳам шундай қилайлик, дутор эмас, сато жүр бўлсин қувғиндаги Отабекнинг аянчли ҳолатига”, дегандилар отам.

Турғун акани муаллифлик телекўрсатувига таклиф этишни ният қилдим. Ўзимча бўлажак қадрларни тасаввур этиб юрдим. Масалани санъатимиз фахри бўлган ижодкорлар иштирокида ҳал қилишга уриниб кўрдик. Турғун Алиматов билан дўстона, яқин муносабатда бўлаётган санъаткорларни Халқ артисти, меҳмонсевар Берта Давидованинг уйи, ижодхонасига таклиф этсак... Шундай бўлди. Берта опа Турғун акага соғинчиди билдиргани, Маъмураҳон Эргашева “Тановар” рақсидан бир кўри-

нишни ижро этгани, назм ва наср устаси Ҳамид Гулом миннатдор китобхон ҳолатига кириб, мусиқашунос Илбас Акбаровга эски қадрдонлигини билдириб (руҳнатинг давоми узун) кўришганларининг ўзиёқ ҳаммани тўлқинлатиб юборган эди.

Ажиб бир давра Турғун акага ҳам илҳом берди, шекилли, сўзларига широна руҳ бериб, мезбонга шундай мурожаат этдилар:

— Берта, санъат бу бир гулзорим, дейман-да! Чаманзордаги гулхайрилар, гулбеорлар, гулҳамишабаҳорлар орасида шундайлар бўладики, ўзига ҳар кимни мафтун этиб қўяди. Худди шунақасини узиб олмақчи бўлганлар ҳамаша топилади. Сиз шундай гуллардансиз. Гапим кимларгадир эриш туюлар. Лекин айтман: бамисоли ғунча бўлиб қолдингиз, ҳеч ким уза олмади. Барча ошму машуқлар сиз айтган мисрани ярим ҳазил, ярим чин тарзда айтиб юраверди. “Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади”.

Турғун ака гўё йиғилганларнинг фикрини айтгандек бўлди. Мусиқа янгради. Берта опа севган “Муножот”ни ажиб бир тарзда айтдики, меҳмонлар чайқалиб, қўл маромида ликопчаларни чертиб, ором олдилар. Қўвончимиз ичимизга сиймаг турганида, созанда чолғусининг йўғорроқ торини тебратиб, бўғиқроқ овоз таратиб, шодийна шовқинини бироз пасайтирди-да, яна Бертахонга қараб: — “Муножот”нинг чолғу қисмини кўп қатори чалиб юраман. Айтми йўлида Бертахоннинг ҳушовозидан ором оламан ҳар гал. Бу ижрода ўзим ҳам иштирок этишимдан хурсанд бўлиб юраман. Хонанда созанда билан, созанда хонанда билан тирик-да! Бертахон, сиз билан бирга биз ҳам эл оғизига тушдик!

Мезбон диққат марказида сўзлашга тушди: бўлиб қолганидан бироз хижолат тортиб ёшлик яхши-да! Қаранг, мана шу ёшимда Турғун ака тилга олаётган “Муножот”ни биринчи марта радиода айтганман. Урушнинг оғир йиллари эди. Эшиттиришни, жумладан, ашулани магнит тасмасига ёзиб олиб, сўнг монтаж қилиб эфирга узатиш одат тусига кирмаганди. Техника ҳам йўқ эди. Эфирга тўғридан-тўғри чиқардик. Хонандоларда радиоси (приёмник дейларди) бўлмаганлар чойхоналарга, “радио уйи”нинг эшиги тепасига ўрнатилган радиокорнайлар (репродукторлар) тагига келиб ахборот,

— Яқинда шундай мулоқотда мен ҳам бўлдим, — деб ҳикояни давом эттирди Турғун ака. — Қўчада кетаётган бир мўйсафид менга узоқ тикилиб боқди. Яқинлашди, қулимсираб, бироз тортиниб сўради:

— Сиз Турғун Алиматов исмли наъмасоз эмасмисиз?

— Худди ўзиман, десам хурсанд бўлиб кетди.

— Қўлингизни очинг. Дуо қилай, — деди ҳайратомуз ҳолатда. — Сиз созингизни чертганингизда босиб ўтган умр йўлларим бир-бирига улашиб, кўзим олдидаган ўтади. Ҳаяжон ҳам бўлади. Кўз ёши ҳам, хушайфият ҳам. Барака топинг. Баркамол бўлинг.

Турғун аканинг санъати хориждаги ҳам касбларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлганини симфоник асарлари билан обур қозонган композитор Мирсодиқ Тожиёв айтиб берган эди. Паркентдаги дала ҳовлимиз эстагиди ишқомлар орасида юрганнимизда (бир тафсилот: Турғун ака чаладиган улуғвор куйлар ритмида, аста қадам ташлаб сайр қилганимизда) узузморни кесиб ўтган ўқ ариқда ётган узун тол пўстлогига кўзимиз тушиб қолди. Иккинчи илон каби уралли ётган пўстлогини бараварига эғилиб олибми. Уни қўлочлаб ўлчаб, бир-биримизга ахборот бердик.


— Токни боғлаш учун толдан шилиб олинган. Бироз ишлов ҳам берилган, чамаси. Нега яроқсиз топилган бу матоҳ?



Софинч (2018).



Сокинсой (2018).



Мустақил ҳаёт бўсағасида (2020).

РАССОМ ВА ЗАМОН

Нуротада туғилиб ўсган рассом Аслиддин Калонов дастлаб Павел Бенъков номидаги Республика билим юртида ўқиди, кейин Тошкент театр ва рассомлик институтида Валерий Ковин ва Саъдулла Абдуллаев каби устозлардан рангтасвир маҳоратини ўрганди. Ижодий изланишларида Александр Ли, Эркин Ахунов, Кутлуг Башаров, Медад Кагаровдек забардаст рассомларнинг таъсирида бўлди. 1990 йили Москвадаги "Сенеж" ижодий уйида малака оширган рассом дастлаб "Ёшлик" журналида безовчи рассом бўлиб ишлади, янги тасвирий услублар яратишга интилди. Рассом ўзига ва ижодига талабчан, изланишдан чарчамайди. Кўни кеча Тошкентдаги Фотосуратлар уйида намойиш этилган "Софинч" деб номланган кўргазмиси ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мусаввирнинг рангтасвир, акварель, тушда ишлаган етмишга яқин ишлари ўрин олган кўргазмада рангтасвир асарлари аллоҳиди ажралиб туради. Унинг "Хотира", "Софинч", "Олдиндан сезиш", "Кутиш", "Композиция", "Кечки қушлар парвози", "Археолог" сингари асарларида ҳаётий қадриятлар ҳақидаги фалсафий тушунчаси, табиатга муносабати ва

миллий анъаналар давомийлиги аниқ ифодаланган. "Ҳаёт ойнаси", "Ҳаёт аксиомаси", "Она замин" каби туркум асарларидаги мавзу бир полотнодан иккинчисига давом этади ва бадиий ечим топади. Давомийлик туркумни бирлаштириб, мавзунини мукамалроқ ифодалашга хизмат қилади. Рассом мавзунинг моҳиятини очиб беришда кўпинча асосий вазифани қушлар, мушук, ойна эшик, равоқ, кўза сингари ик-

нинг қия очилишига урғу берган. Тасвирдаги мушук ҳам йигитнинг мустақил ҳаётга қадам ташлашини сезгандек. Бу асардаги қизил поёндоз, мушук, ойнаванд эшик, тувакдаги гул ва эшикдан кўринаётган дарахтлар мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёш йигит уйларини ифодалаб, ҳаёт сари кўяётган илк қадамнинг янада жонли чиқишига хизмат қилган. "Софинч" асарида бош қаҳрамон рас-

этиб, унинг моҳиятини ифодалаб туради. "Каспий денгизи қушлари", "Ўрмонда қор ёғмоқда", "Олтин куз", "Нуротага йўл", "Нева шоҳқўчаси", "Санкт-Петербург" сингари картиналар фикримизнинг далилидир.

Экспозициядан рассомнинг асосан оқ-қора рангда, туш ва перо ёрдамида ишланган асарлари ўрин олган. Чўқур фалсафий мазмунга бой график асарлари учун рассом оқ-қора, ёруғлик ва соя қарама-қаршилигига қўрилган мураккаб бадиий-мажозий ечимни танлайди. Таъкидлаш жоизки, муаллиф литографиянинг турли техникасидан фойдаланган ҳолда, асарларига таъсирчанлик бахш этади ва маълум бир манзарани ёритишга муваффақ бўлади. "Кексалик", "Ёлғиз одам", "Ўсмирлик сўнги", "Хотира", "Қўқув", "Болалик уйинлари" сингари расмларида унинг Нуротада қолган болалиги, ёрқин хотиралари турли талқинлари, самимий тасвири билан эътиборни тортади.

Айни пайтда профессор, устоз-рассом Аслиддин Калонов Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг "Китоб графикаси ва миниатюра" кафедрасида талаба-ёшларни танлаган соҳаларига муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда.

Сарвара ҚОСИМОВА

ПОПОВГА РАҲМАТ

Радиога бемаза кушиқ янграй бошлаганди, дадам менга:

— Муҳсини, радиони ўчириб қўй, — деди-да, ортидан қўшиб қўйди, — Александр Поповга раҳмат. Мен ҳайрон бўлиб сўрадим:
— Дада, нега ундай дейяпсиз?
— У радиони кашф этган одам, — деб шошилмай тушунтирди дадам, — исталган пайтда радиони ўчириб қўйдиган қилган-да. Агар ўчмаса, дидингни кимга айтардинг!

ХУМПАР

Ғанижон Тошматовнинг юбилейида ҳар ким келтирган совға-салом билан саҳнага чиқиб, гап ёки луқма ташлаб, шунга яраша жавоб олгач, жойига бориб ўтирарди. Жумладан, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси мутасаддиларидан бири қўлида Ғанижон Тошматов сурати туширилган кўзани кўтариб чиқиб, деди:

— Аввалги юбилейингизда устига дўппи ва белбоғ қўйилган лаган олиб чиққандим. Шунда сиз: "Бу киши лаганга солиб чиқибди", деган эдингиз (*Аскиячилар орасида лаганга солиб чиқибди* дегани, лаганбардор деган маъно беради.)

Мана энди кўза олиб чиқдим.
— Бизда кўза хум дейилади, — жавоб берибди Ғанижон Тошматов. — Сиздан олдин ҳам кўза олиб чиқишганди, сиз эса,

иккинчисини олиб келибсиз. Агар у битта бўлса хум бўларди, иккита бўлгани учун хумлар бўлади.

КАТТА ҚИЛИБ ОЛАМАН

Бир гуруҳ санъат арбоблари Ғанижон Тошматовнинг 80 йиллик юбилейида садафланмаган жойи қолмаган, чироили ва

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ
ҲАНГОМАЛАРИ

муъжаз танбурни совға сифатида саҳнага олиб чиқиб топшираётди:

— Ҳозирча танбурнинг кичкинасини олиб туриш, кейинги юбилейингизга каттасини совға қиламиз, — дея қутлашади.

Ғанижон Тошматов муъжаз танбурни қўлига олиб, жавоб берибди:

— Кейинги юбилейга ҳали ўн йил бор, унча бунини ўзим катта қилиб оламан.

ЯКАН

Ғанижон Тошматов "Мақом" ансамблига раҳбарлик қилганда тартиб-интизом масаласига жиддий эътибор беради. Шунга қарамай, таниқли бир санъаткор бир кун ишга келмайди. Эртаси куни пайдо бўлганда раҳбар:

— Қаерда эдинг? — деб сўрайди.

— Фарғонага боргандим. Раҳбар ходимининг бир кунда Фарғонага қандай бориб-келганига ишонамай суриштиради:

— Нимада бориб келдинг?
— "Як" да бориб, "Ян" да қайтдим.
— Демак, сен яканга (баъзи санъаткорлар тилида якан пул деган.) борибсан-да...

ИШ

Ғанижон Тошматов улфатлар даврасида ўтирганда, бир киши кутилмаганда келиб, дабдурустан сўрабди:

— Ғанижон ака, шу тобда нималар устиди ишляяпсиз?
— Стол ва дастурхон устиди қошиқ билан ишляяпман, — деб айни пайтда қилаётган ишини айтган экан.

УЙМИЗ БИТИБ ҚОЛГАН

Дадам кўчадан утаётди, бир мўйсафид лойга ботиб ишляётганини кўриб қолади-да, салом-алик қилгач, раҳми келган, шекилли, сўрайди:

— Ака, лойга ботиб нима қияяпсиз, уриниб қолибсиз-ку?
— Ўзимга уй қураяпман, — деб жавоб беради қария.
— Бекор қиласиз, — дейди дадам. — Сизу бизнинг у томондаги уйимиз аллақачон битган.

Қария бу гапнинг маъини қақиб, қулиб юборибди. Қайфияти кўтарилиб, чарчоғи ёзилиб, миннатдорлик билдиргач, ишини янги куч билан давом эттирибди.

Муҳсин ҒАНИЕВ тайёрлаган.

БИЛДИРИШ

2022 йил 18 февраль куни соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ғазал ғизоли" баъзининг тақдироти бўлиб ўтади. Талбирга барча ғазал шайдоларини таклиф этамиз.

2022 йил 24 февраль куни соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Адабий танқид кенгашининг 2021 йил фаолияти яқунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлади.

Ҳисобот йиғилишига Ёзувчи, шоирлар, адабиётшунос ва ёш ижодкорлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ДИЛШОД РАЖАБ

БОЛАЛАР БЕКАТИ

ЎҚУВЧИНИНГ
СОЯСИГА ҲАЗИЛИ

Қайга борсам, борасан,
Ортимдан ҳеч қолмайсан.
Лекин синфхонага
Мен билан киролмайсан.



Бундоқ дарс-сабоқ олиб,
Илм йиғмай эрта-кеч,
Саводсиз бўлиб қолиб
Одам бўлмайсан-да ҳеч.

ҲАДЕМАЙ

Юрмас аччиқ изғирин
Далаларда изиллаб,
Келар ёқимтой ширин
Шабадалар гизиллаб.

БАДАНТАРБИЯ

Жисмонан ҳам руҳан тобланиб
Комил фарзанд бўлиб борамиз.
"Халқим!" деб чўқур нафас олиб,
"Жон, ватаним!" деб чиқарамиз.

"Бир, икки, уч" — қадамлар шаҳдам,
Ватан бирдир! Дўстим иккимиз,
"Уч" деганда учайлик баланд,
Юксак самоларга тикка биз.

БИЗНИКИ

Ойнадай яраклаган
Равон йўллар бизники.
Ой-кўёш чараклаган
Нурли осмон бизники.

Завқу шавққа қон ҳаёт,
Дилимизда куй-баёт,
Ўқи, ўрган, қил ижод —
Чексиз имкон бизники.

Дунёга бўйлашамиз,
Тенгма-тенг сўйлашамиз,
Асло бўш келмагаймиз,
Катта майдон бизники.

Тонглари қулиб отган,
Яратганга хуш ёққан,
Жаҳон лол бўлиб боққан
Ўзбекистон бизники.

ҚИШ МАНЗАРАЛАРИ

Симёғочнинг симлари
Қўрилади тор бўлиб.
Қишнинг совуқ кунлари
Лайлак келар қор бўлиб.

Қийқим-қийқим оқ мато —
Тўқилар қор парчалар.
Минглаб нинаси билан
Қалпоқ тикар арчалар.

Турнамас, турнақатор
Сумалақлар тизилган
Ойналарда музгулзор —
Аёзгуллар чизилган.

ҚАРҒА

Хуш ёқиб фақат қишмас,
Юртим баҳор-ёзи ҳам,
Бундоқ эсинга тушмас
Ўзга эл авёзи ҳам.

Майли, кезиб боғ-дала
Қол доимий "руйхат" да.
Фақат бизнинг қушларга
Гўнг титишни ўргатма.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Виждоннинг уйғоғи яхши. Ухлаб ётгани виждон эмас.

Эҳ, гўзаллик. Бир вақтлар кўзларни алдаган, аммо вақт ўтиб қулоқни қоматга келтирган, вужудни титратган, нафратни уйғотган, ҳасратнинг чангини чиқарган "ҳайратли гўзаллик".

Бозор — ёлғончиларнинг кураш майдони. Аммо негадир бу ердаям ростгўйлар қолиб қиқиради-я.

У кўнгил мулки — меҳрини тарқатиб бўлди. Оқибат эса қочиб юрибди. Ундан эмас, тарқатганларидан.

Ит ҳуради, қарвон ўтади. Лекин қарвондагилар ҳамма ҳураётганларни ит деб билмагани учун манзилга етган бўлсалар, ажаб эмас.

Рост гапириш нақадар қийин, агар у одамнинг ўзига тегишли бўлса.

Камтарлик қурол, камтар бўлган эса қирол.

Ўқинч ва сўқинч. Баъзиларда кўнгил қолди, баъзилардан кўнгил қолди.

Шўхрат РЎЗИЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси, уюшма аъзоси, таниқли адиб

СОЙИМ ИСҲОҚНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

ЯНГИ НАШР



Адабиётимизда ўзининг юксак бадиий сўзини айта олган, асарлари талабчан мухлислар томонидан эътироф этилган адаблардан бири Ғанижон Тошматовнинг "ҚАЗОИ ҚАДАР" романи.

лар хусусида теран фикрларини образли тарзда ифодалаган.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган "Қазои қадар" романида муаллиф ҳаётини қузатишлари инъикоси, борлиқ ва йўқлик орасидаги мавжудотнинг ҳақиқий вазифаси пировардидаги аҳво-

«ҚАЗОИ ҚАДАР»

лини бирда очиқ, бирда истеҳзо билан тасвирлайди: "Озодлик берилмайди, озодлик курашиб олинади!.. Ҳиндлар ҳам, жазоирлик араблар ҳам қон кечиб мустақилликка эришганлар. Минг-минглаб оналар жигарпораларини йўқотиш эвазига, фарзанд доғида қуйиб, қул бўлиб ҳурриятга етиш-

дилар, уларга осон кечмаган истиқлолга эришиш!"

Ушбу асар қаҳрамонлари муаллифнинг илк асарларида ярқ этиб кўзга ташланган образлар силсиласининг тақомиллашган кўринишидир. Китобхон бу образлар билан қайта танишаркан, уларнинг тақдирдан тўлароқ хабардор бўлади. Тасвир ва бадиий таҳлилнинг уйғунлиги ҳаётини саҳналарни ёрқин намойиш этади.

Адиб ушбу асарда инсон изтиробларини, матонатини, ёруғ орзу-умидларини теран акс эттирган. Китоб замонавий ўзбек насри мухлисларига манзур бўлади, деган умид-дамыз.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

imgo
akfa

Бош
муҳаррир
Салим
АШУР

Тахриратга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳунон АҚБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигини томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 1087. Буюртма Г - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42; Санъат бўлими: 233- 56- 40; Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотува нархи эркин.



ISSN 2343-634X
7723 6343 634000